

А. Р. ЭРГАШЕВА

**ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА
НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ
МУСТАҲКАМЛАШ ЖАРАЁНИДА
НУТҚ ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВА Адолат Рустамовна

**ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА
НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ МУСТАХҚАМЛАШ
ЖАРАЁНИДА НУТҚ ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

(5–7-синфлар мисолида)

Тошкент – 2010

Методик қўлланмада 5–7-синф она тили дарсларида назарий маълумотларни мустақкамлаш чоғида ўқувчиларнинг мазмундор ва таъсирчан гап тузишларини ташкил этиш билан боғлиқ таълим мазмуни, усуллари, машқлар тизими ёритилди. Қўлланма она тили ўқитувчилари учун мўлжалланади.

Муаллиф: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг аспирант-тадқиқотчиси **А.Р.Эргашева**.

Тақризчилар:

Р.Сафарова, педагогика фанлари доктори, профессор;

М.Иноятова, "Бошланғич таълим назарияси ва методикаси" бўлими бошлиғи, катта илмий ходим, педагогика фанлари номзоди

Масъул муҳаррир: **Р.А.Йўлдошев**, педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг 2010 йил 30 мартдаги 4-сонли баённомасига кўра чоп этишга тавсия қилинди.

- 2 /

СЎЗ БОШИ

Истиқлол сари интилиш охир-оқибатда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг қабул қилинишида ўзининг дастлабки ишонасини берган бўлиб, шунинг орқасида миллий тилимизнинг давлат тили мақоми қўлга киритилди, мустақилликнинг илк қадамлари сифатида маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни аниқлашнинг тикланиши ижтимоий-иқтисодий ислохотлар соҳасида эришилган энг муҳим ютуқлардан яна бири бўлди. Ўзида давлат тилига чеқсиз ҳурмат ҳиссини уйғотиш, уни пухта ўрганиш, шу тилда иш юрита олиш, нутқ маданиятини эгаллаш ҳар бир фуқаронинг вазифасига айланди. Тилни мукаммал эгаллаш баркамол тафаккур соҳиби бўла олиш демакдир. «Бугун халқро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди уни ҳарбий қудрат эмас, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч – адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсاق, мен унга қўшимча қилиб «Куч билим ва тафаккурда» деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижобий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажакимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай дарожада бардош бера олишимизга боғлиқ, ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли» [1, 23-24], – деб ўқувчи шахсга қатъий ишонч билдиради И.А.Каримов.

Жаҳон миқёсида таълим тизими самарадорлигини опириниш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш вазифаси устувор бўлиб турган бир даврда мустақил давлатимизда таълим тизимининг илмий-назарий асосларини янгилан яна ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда ёшларимиз нутқий вазият тақозоси билан мазмундор, таъсирчан гаплар туза олишлари керак. Она тили дарсларида бундай гаплар тузишга ўрганиш ишлари асосан ёзма иш турларидан баён ва ишро ёзиш, матн яратиш зиммасига юкланган. Ана шу ёзма ишлар пайғида ўқувчилардан фикрнинг изчил, аниқ, мазмундор баён этиш талаб қилинади. Бундай ишлар чоғида айрим гаплар мисолида мазмундорлик ва таъсирчанликка қай тарзда эришил мумкинлигини уларга ўргатиш кийин. Лекин ҳар бир дарсда назарий маълумотни ўғитиш, мустақкамлаш жараёнида ўқувчилардан мунтазам равишда мисоллар келтириш ҳам талаб қилиб бориладики, биттагина гап тузиб айтишдан иборат ушбу жараёнда нималарга эътибор бериш кераклигини тушунириш осон.

1-БОБ

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ
МУСТАХКАМЛАШ ЖАРАЁНИДА НУТҚ ЎСТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ
ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ1.1. Мазмундор ва таъсирчан гап, нутқ маданиятини
ривожлантириш методик тушунчалари талқини

Биз 5-7-синф она тили дарсларида назарий маълумотга доир келтириладиган мисоллар ёки тузиладиган гапларнинг мазмундор ва таъсирчан бўлишини таъминлаш орқали ўқувчилар нутқини ўстириш муаммоларига доир тадқиқот ишини «мазмундор гап», «таъсирчан гап», «нутқ маданиятини ривожлантириш» методик тушунчалари талқинидан бошлашни маъқул топдик. Таъсирчанлик маълум жиҳатлари билан нутқ маданияти билан боғлиқ. Шу боисдан она тили методикасидаги нутқ ўстириш ва нутқ маданиятини ривожлантириш тушунчаларига изоҳ беришни лозим деб билдик.

Мустақиллик йилларида янгиланган таълим мазмуни ва усуллари жорий этилиб, боғланиши нутқ ўстиришга доир юмушлар матн яратинг устидаги ишлар мазмунига сингдириб юборилди, шу асосда ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашга устувор аҳамият берилди бошланди. Бугун ўқувчилар тузадиган гаплар, яратадиган матнларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигига алоҳида урғу берилар экан, ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам ана шу мазмундорлик ва таъсирчанликнинг ўзи нима эканлиги, у қайси тил воситалари ёрдамида ҳосил қилиниши ҳақида аниқ тасаввурга, билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари шарт.

Кейинги даврда тилшуносликда матнлардаги (бадий асарлардаги) ифодаларнинг грамматик жиҳатдан тўғрилиги, синтактик қурилмаларнинг ранг-баранглиги, баёнда нутқ маданияти талаблари ҳисобга олинганлиги, услубий қоидаларга амал қилинганлиги, бўёқдор лексика, экспрессия ифодаловчи грамматик воситалар маҳорат билан ишлатилганлиги масалаларига катта эътибор берилди. Чунончи, хориж тилшуносларидан Л.В.Шчерба, Г.О.Винокур, В.В.Виноградов, С.И.Ожегов, А.Н.Гвоздев, А.И.Ефимов, В.Г.Костомаров, Л.И.Скворцов, Б.Н.Головин, М.Агафонова, Л.Г.Смирнова, ўзбек тилшуносларидан Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Р.Расулов, А.А.Абдуллаев, Э.Қиличев, Х.Дониёров, Б.Йўлдошев, М.Маҳкамов, Н.Жумаев ва бошқа олимлар нутқ маданияти талқинига кенг тўхталишди.

Ўқувчилар тузадиган гапларнинг мазмундор ва таъсирчан бўлиши кераклиги кўпгина методист олимлар (М. Ё.Абдуллаев, А.Қ.Ғуломов, Т.Зиёдова, Х.Қурбонова, М.Мирмаҳсудова, Т.Юсунова ва бошқалар) томонидан таъкидланган. Тилшунос олим Э.Қиличев мазмундорлик ва

таъсирчанликни гап билан ҳам боғлайди [71,114]. Ана шу таъкидлардан келиб чиққан ҳолда методик мулоҳазалар билан, яъни мушоҳада юритишда ихчамликка эришиш мақсадида шартли равишда *мазмундор гап, таъсирчан гап* ифодаларидан фойдаланишни маъқул топдик. Мазкур методик тушунчалар она тили ўқув фани учун мутлақо янги тушунчалар эмас. Мазмундор гап ифодаси Т.Зиёдованинг монографиясида ишлатилган бўлса [18,83], мазмундор ва таъсирчан гап ифодасини Т.Юсунова [68,107] тилга олган. Б.Н.Головин коммуникатив нутқнинг сифатлари ҳақида гапириб, таъсирчанликни тилнинг таркибий соҳалари билан боғлайди, жумладан морфологик таъсирчанлик, синтактик таъсирчанлик бўлишини эслатади [13,188]. Ана шу фикрларга асослашиб, ушбу тушунчаларнинг моҳиятини очиб учун дастлаб *мазмундор гап* деган тушунчанинг талқинига тўхталишни лозим деб билдик.

Айрим методист олимлар мазмундорлик тушунчасини гап билан [18, 83; 68, 107; 74,113], баъзилари эса нутқ билан [43,116; 80; 82] боғлайдилар. *Мазмундорлик* фикр баён этилишидаги аниқлик, тўлиқлик, Б.Тўхлиев, М.Шамсиева, Т.Зиёдовалар таъкидлаган «мукаммаллиқ» билан белгиланади [63,135]. В.И.Капинос мазмундорликни нутқнинг лексик ва грамматик жиҳатдан бойлиги билан боғлаб берган қуйидаги изоҳига эътиборни қаратамиз: «Бой бўлмаган нутқ, айниқса, камбағал нутқ лугатнинг четараланган ҳажми, синтаксисининг бир хилдалиги билан характерланади. У қисқа, ўзаро алоқаси заиф ифодаланган бир типдаги гаплардан иборат бўлади» [24,24]. Гаплар «кам ёйилган бўлади» [24,25]. Муаллиф қисқа ва бир типдаги гаплардан тузилган матн ҳақида бундай хулоса чиқаради: «Нутқий жиҳатдан камбағал матн ҳеч вақт мазмундор, ахборотга бой бўлмайди» [24,25]. Мазкур хулосада мазмундор тушунчасидан ташқари, ахборотга бой (информативный) тушунчаси ҳам тилга олинади. Аслида мазмундорлик, назаримизда, ахборотнинг оз ёки кўплиги билан ўлчаниши керак.

В.И.Капиноснинг фикрича, коммуникатив мақсадга мувофиқ келадиган (яхши) нутқ даражасидаги нутқнинг аниқлигини кенгроқ тушуниш лозим, яъни шунчаки сўзни тўғри қўллаш эмас, балки сўзларни оптимал даражада қўллаш; баён мазмунини энг мақбул тарзда ифодалайдиган грамматик воситаларни танлаш, мазмуни ва асосий фикрни очиб бериш, уни тасвирланаётган вазиятга мос равишда етказиш маъносига аниқлаш зарур [24,25]. Муаллиф назорат ишлари ва тажрибалар асосида 4-синф ўқувчилари гапта бир эмас, бир нечта иккинчи даражали бўлақни ишлатишлари лозим деган хулосага келади [24,22]. Бу гоё гапни зарур даражада (ихчамликни унутмаган ҳолда) узунроқ қилиб тузиш орқали мазмундор, мукаммал ҳолатга келтириш кераклигини билдиради. Методист оlima М.Омишхонова иккинчи даражали бўлақларни ўргатиш ҳақида сўз юритиб, ўқувчилар «ёйиқ гап таркибида, бош бўлақлардан ташқари, иккинчи даражали бўлақлар ҳам бўлишини, улар фикрни тўла ифодалаш учун хизмат қилишини билиб оладилар», деб таъкидлайди [55,62]. Демак, мазмундорликни аниқлаш аломатларидан бири сифатида фикрнинг тўлароқ ифодаланишини, гапнинг

узунроқ бўлишини олиш, ундаги иккинчи даражали бўлақлар миқдорига эътибор бериш зарур. Айниқса, аниқловчилар гапда ифодаланаётган фикрнинг аниқроқ бўлиши учун хизмат қилиб, шу орқали мазмунни бойилади. Зеро, нутқнинг аниқлигини нарса-ходисадан ажратиб кўрсатилган белги-хусусият таъминлаб беради. М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиевларнинг таърифида кўра, «Буюмларнинг маълум нисбатда олингандаги туб хусусиятларини ифодаловчи белги муҳим белги деб аталади. Муҳим белгилар буюмлардаги бир гуруҳ сифатларни ва бу гуруҳдаги сифат зарур эканини, белгилар мажмуи эса буни бошқа буюмлардан ажратиш учун етарли асос эканини ифодалайди» [67,105]. Маъно-мазмуннинг серқирра, айни пайтда ёрқин бўлиши юқоридагилар билан таъминланади.

А.Ғуломов, Б.Қобиловалар таъкидлаганидек, «Нутқнинг аниқлиги бу фақат нарса, воқеа-ходиса учун хос бўлган белгиларни аниқлаш эмас, уларнинг тасвирига мос тушадиган сўз, сўз бирикмалари ва гаплар танлашдан ҳам иборатдир» [78,15].

Тилшунос олим Э.Бегматов шундай тушунтириш беради: «Маълумки, ҳар қандай нутқнинг услубий раволиги аниқ ва мазмундорлиги, ихчамлиги, нутқ воситаларидан мақсадга мос фойдаланилганлиги билан ўлчанади. Нутқнинг ихчамлиги деганда нутқда сўзларни кам миқдорда қўллаган ҳолда унинг мазмундорлигини кучайтириш тушунилади. Кўпсўзлик нутқнинг мазмунига, чиройли бўлишига халақит беради. Кўпсўзликнинг вужудга келиши узун-узун жумлалар тузишдан ҳосил бўлмайди. Тўғри, жумлаларни қисқа тузиш ихчамлигини, аниқлигини таъминлайди. Лекин баъзан фикр узун жумлалар тузишни ҳам талаб қилади. Лексик ва грамматик жиҳатдан адабий тил нормаларига мос бўлган узун жумлалар орқали ҳам мазмундор, таъсирчан фикр ифодалаш, нутқнинг услубан раволигини таъминлаш мумкин» [12, 111]. Кўриниб турибдики, Э.Бегматов ҳам гапнинг узунлигига алоҳида аҳамият берган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, қисқа еки узун гапларда ҳам фикрни аниқ ифодалаш, услубан раволигини таъминлаш мумкин.

Гапни зарур даражадаги узунликда тузиш тингловчига, фикрни (ахборотни) тўлиқ етказиш талаби билан белгиланади. Бунда сўзни тўғри ишлатиш ҳам назарда тутилади. Х.Қурбонова буни шундай изоҳлайди: «Матннинг ахборот бериш, яъни коммуникативлик қиммати ҳам нутқнинг энг муҳим талабидир. 30-40 сўздан иборат гапнинг атиги 5-6 тасида ахборот мазмуни мужассамлаштириш мумкин. Масалан, «Ўзбек шеърятининг султони «Хамса»дек йирик асар муаллифи, ўзбек адабий тилининг асосчиси Мир Алишер Навоий 1941 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди». Бу жумлада ахборот «Алишер Навоий 1941 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди» гапида мужассамлашган. Аммо бу дегани гапдаги қолган сўзлар ишлатилмаслиги лозим деган фикр эмас. Улардан ҳам меъёрида фойдаланиш лозим» [74,20].

Сўз ва сўз шаклини тўғри ишлатиш, чиройли сўзлаш, ортиқча сўзларни

ишлатмаслик лозимлиги қадим-қадимдан устозлар (Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, А.Жомий, А.Навоий, А.Авлоний) ўғитининг асосини ташкил этиб келади.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳикматларига мурожаат этамиз:

Ортиқча сўз жонга тегадиган, кишини зериктирадиган бўлади.

Кўп сўзлаш – донолик белгиси эмас, У – эзмалик аломати.

Уқув кўрки сўзу бу тил кўрки сўз,

Киши кўрки юзу бу юз кўрки кўз.

Киши сўзини тил билан сўзлайди. Сўзлари яхши бўлса, унинг юзи сув олади, яъни обрў қозонади, эътибор топади.

Билиб сўзланган сўз донолик саналади.

Бошқаларнинг эътиборини тортиб, уларга ўз фикрини етказиш осон гап эмас. Буни қойил қилиб удалайдиган кишилар ҳамisha кадрланганлар. Шунинг учун ҳам Кайковус: «Киши суҳандон, суҳангўй (нотик) бўлиши керак», деб маҳсус таъкидлайди.

Суҳангўй шул киши бўлганки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлмай ва халқ ҳам ҳар сўз деса унга маъқул бўлмай. Бундай кишилар оқиллар қаторига кирмай, йўқ эрса ул инсон суратида мавжуд бўлган бир ҳайвондур (Кайковус).

Абдурахмон Жомийнинг назарида:

Сеҳру сўз – бир-биригадир пайванд,

Иккиси гўёки эгиз фарзанд.

Маъний дарё-ю гавҳаридир сўз,

Бир-бирин мағзу жавҳаридир сўз.

Гар жаҳонни десак мисоли садаф,

Сўз унинг дурри, унга шон-шараф!

Буюк мутафаккир адибимиз Алишер Навоий сўзнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятига жуда катта баҳо беради. «Тилга ихтиёрсиз – элта эътиборсиз», деб ёзади адиб «Маҳбуб ул-қулуб» асарида [6, 93]. Адибнинг тавсифича, «Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар» дир [6, 98]. Навоий киши сўзлаганда сўзнинг маъносига эътибор беришни алоҳида таъкидлайди:

Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга келтирма

Ва ҳар пеки кўнгилда бор – тилга сурма (А.Навоий)

Тилшунос олим Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, «Айтилмоқчи бўлган фикрга мусаллам ва мутлақо мос либос кийдира билиш, мақсадга мувофиқ лисоний ифодаларни сайлаш олиш, сўз билан тингловчининг фақат қулоғини эмас, балки қалбини ҳам забт эта билиш Шарқда, хусусан, ўзбекларда тарбияланганликнинг, маърифатлиликнинг, зиёлиликнинг қабарик белгиларидан бири бўлган» [40,3-4].

Гапнинг меъёридаги узунлиги тингловчини у қутган ахборотни бергани учун қаноатлантиради, ҳаддан ташқари қисқалик ёки узунлик унда ноҳуш таассурот уйғотади, баъзан таъбини хира қилади.

узунроқ бўлишини олиш, ундаги иккинчи даражали бўлақлар миқдорига эътибор бериш зарур. Айниқса, аниқловчилар гапда ифодаланган фикрнинг аниқроқ бўлиши учун хизмат қилиб, шу орқали мазмунни бойитади. Зеро, нутқнинг аниқлигини нарса-ҳодисадан ажратиб кўрсатилган белги-хусусият таъминлаб беради. М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиевларнинг таърифига кўра, «Буюмларнинг маълум ҳисобда олишгандаги туб хусусиятларини ифодаловчи белги муҳим белги деб аталади. Муҳим белгилар буюмлардаги бир гуруҳ сифатларни ва бу гуруҳдаги сифат зарур эканини, белгилар мажмуи эса буни бошқа буюмлардан ажратиш учун етарли асос эканини ифодалайди» [67,105]. Маъно-мазмуннинг серқирра, айни пайғда ёрқин бўлиши юқоридагилар билан таъминланади.

А.Ғуломов, Б.Қобилвалар таъкидлаганидек, «Нутқнинг аниқлиги бу фақат нарса, воқеа-ҳодиса учун ҳос бўлган белгиларни аниқлаш эмас, уларнинг тасвирига мос тушадиган сўз, сўз бирикмалари ва гаплар танлашдан ҳам иборатдир» [78,15].

Тилшунос олим Э.Бегматов шундай тушунтириш беради: «Маълумки, ҳар қандай нутқнинг услубий равишдаги аниқ ва мазмундорлиги, ихчамлиги, нутқ воситаларидан мақсадга мос фойдаланилганлиги билан ўлчанади. Нутқнинг ихчамлиги деганда нутқда сўзларни кам миқдорда қўллаган ҳолда унинг мазмундорлигини кучайтириш тушунилади. Кўпсўзлик нутқнинг мазмунига, чиройли бўлишига халақит беради. Кўпсўзликнинг вужудга келиши узун-узун жумлалар тузишдан ҳосил бўлмайди. Тўғри, жумлаларни қисқа тузиш ихчамликни, аниқликни таъминлайди. Лекин баъзан фикр узун жумлалар тузишини ҳам талаб қилади. Лексия ва грамматик жиҳатдан адабий тил нормаларига мос бўлган узун жумлалар орқали ҳам мазмундор, таъсирчан фикр ифодалаш, нутқнинг услубан равишдаги таъминлаш мумкин» [12, 111]. Кўриниб турибдики, Э.Бегматов ҳам гапнинг узунлигига алоҳида аҳамият берган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, қисқа ёки узун гапларда ҳам фикрни аниқ ифодалаш, услубан равишдаги таъминлаш мумкин.

Гапни зарур даражадаги узунликда тузиш тингловчига, фикрни (ахборотни) тўлиқ етказиш талаби билан белгиланади. Бунда сўзни тўғри ишлатиш ҳам назарда тутилади. Х.Қурбонова бунни шундай изоҳлайди: «Матннинг ахборот бериш, яъни коммуникативлик қиммати ҳам нутқнинг энг муҳим талабидир. 30–40 сўздан иборат гапнинг атиги 5–6 тасида ахборот мазмуни мужассамлаштириш мумкин. Масалан, «Ўзбек шеърининг султони «Хамса»дек йирик асар муаллифи, ўзбек адабий тилининг асосчиси Мир Алишер Навоий 1941 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди». Бу жумлада ахборот «Алишер Навоий 1941 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди» гапда мужассамлашган. Аммо бу дегани гапдаги қолган сўзлар ишлатилмаслиги лозим деган фикр эмас. Улардан ҳам меъёрида фойдаланиш лозим» [74,20].

Сўз ва сўз шаклини тўғри ишлатиш, чиройли сўзлаш, ортиқча сўзларни

ишлатмаслик лозимлиги қадим-қадимдан устозлар (Юсуф Ҳос Ҳожиб, Қайковус, А.Жомий, А.Навоий, А.Авлоний) ўғитининг асосини ташкил этиб келади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб ҳикматларига мурожаат этамиз:

Ортиқча сўз жонга тегадиган, кишини зериктирадиган бўлади.

Кўп сўзлаш – донолик белгиси эмас. У – эзмалик аломати.

Уқув кўрки сўзу бу тил кўрки сўз,

Киши кўрки юзу бу юз кўрки кўз.

Киши сўзини тил билан сўзлайди. Сўзлари яхши бўлса, унинг юзи сув олади, яъни обрў қозонади, эътибор топади.

Билиб сўзланган сўз донолик саналади.

Бошқаларнинг эътиборини тортиб, уларга ўз фикрини етказиш осон гап эмас. Бунни қойил қилиб уддалайдиган кишилар ҳаммаша қадрланганлар. Шунинг учун ҳам Қайковус: «Киши суҳандон, суҳангўй (потик) бўлиши керак», деб маҳсус таъкидлайди.

Суҳангўй шул киши бўлмайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлмай ва халқ ҳам ҳар сўз деса унга маъқул бўлмай. Бундай кишилар оқиллар қаторига киргай, йўқ эрса ул инсон суратида мавжуд бўлгон бир ҳайвондур (Қайковус).

Абдурахмон Жомийнинг назарида:

Сеҳру сўз – бир-биригадир пайванд,

Иккиси тўғри эгиз фарзанд.

Маъний дарё-ю гавҳаридир сўз,

Бир-бирин маъзу жавҳаридир сўз.

Ғар жаҳонни десак мисоли садаф,

Сўз унинг дурри, унга шон-шараф!

Буюк мутафаккир адибимиз Алишер Навоий сўзнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятига жуда қатъий баҳо беради. «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз», деб ёзади адиб «Маҳбуб ул-қулуб» асариде [6, 93]. Адибнинг тавсифича, «Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – муҳтасар» дир [6, 98]. Навоий киши сўзлаганда сўзнинг маъносига эътибор беришни алоҳида таъкидлайди:

Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга келтирма

Ва ҳар неким кўнгилда бор – тилга сурма (А.Навоий)

Тилшунос олим Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, «Айтилмоқчи бўлган фикрга мусаллам ва мутлақо мислиб кийдира бирилиш, мақсадга мувофиқ лисоний ифодаларни сайлаш олиш, сўз билан тингловчининг фақат қулоғини эмас, балки қалбини ҳам забт эта бирилиш Шарқда, хусусан, ўзбекларда тарбияланганликнинг, маърифатлиликнинг, зиёлиликнинг қабарик белгиларидан бири бўлган» [40,3–4].

Гапнинг меъёридаги узунлиги тингловчини у қутган ахборотни бергани учун қаноатлантиради, ҳаддан ташқари қисқалик ёки узунлик унда ноҳуш таассурот уйғотади, баъзан таъбини хира қилади.

Мазмундорлик, энг аввало, *нутқнинг тўғрилиги*да ўз ифодасини топади. Ҳаётда шундай бўладики, киши бир нарсани ўйлайди-ю, бошқа мазмунни ифода этиб қўяди ва бу билан суҳбатдошининг ранжиб қолишига сабаб бўлади. Эътироф этиш керакки, одамлар орасидаги мулоқот жараёнида бир-бирининг гапини тушуна олмаслик, фикрни аниқ ифодалай билмаслик туфайли кўпгина нохушликлар келиб чиқади. Жуда бўлмаганда, ҳамсуҳбатлар нўнок, жумлани тўмтоқ қилиб айтган сўзловчидан унинг нима демоқчи эканлигини қайта-қайта сўраш орқали билиб олишга мажбур бўладилар. Шунинг учун ҳам, «Омма тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш нотиклар олдига қўйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади» [75, 64]. Бугун фақат нотикларгина эмас, балки ҳамманинг шундай сўзлашга ҳаракат қилмоғи нутқ маданиятини эгаллаш талаби саналади. Зеро, «Нутқнинг тўғрилиги нутқ маданиятининг биринчи босқичи бўлиб, мактаб она тили таълимининг асосий мақсади ҳам ўқувчиларда айнан тўғри нутқ тузиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган» [41,42].

Сўзловчининг гаплари аниқ бўлишидан ташқари, уларда ишлатиладиган сўзларнинг мақсадга мувофиқ танланиш хусусиятларига эга бўлиши керак. Буни М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиевлар маълум маънода аргументация (далиллаш) билан боғлайдилар: «Аргументациянинг муҳим вазифаларидан бўлиши суҳбатдошда ишонч ҳосил қилиш экан, бунда тил фактори ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Бундай ҳолларда аргументация учун фойдаланиладиган далил-хукмлар ва уларни ифодалаш учун керак бўлган сўзларнинг танлаб олинлиши, сўз санъатидан фойдалана олиш маълум аҳамиятга эга бўлади» [67,261].

Фикрлар аниқ ва тўғри ифодаланган нутқ тишловчи томонидан диққат ва эътибор билан қабул қилинади. «Ифодалари содда, аммо катта мазмунга эга бўлган нутқ тингловчида қизиқиш уйғотади ва унинг онига тез етиб боради... Нутқни раво қилишда мавзу ва хабарнинг мантқиқи, далилларнинг янглиги, муаллифнинг таъсир ўтказиш воситалари, нутқнинг структура хусусиятлари муҳимдир» [73, 62].

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб айта оламизки, 5–7-синф ўқувчилари тузадиган гапларнинг мазмундор бўлиши учун қуйидаги талабларга амал қилиш зарур:

- гаплар асоссиз равишда қисқа бўлмаслиги;
- уларда ахборот эҳтиёжи билан иккинчи даражали бўлакларнинг кўпроқ иштирок этиши;
- гапнинг қурилиши фикрни нутқий вазиятга мос равишда тўлиқ ифодалашни таъминлаши;
- фикрни аниқ етказиш учун морфологик шакллар танлаб ишлатилган бўлиши кераклиги;
- юқоридагиларнинг ҳаммаси нутқнинг аниқлиги ва мукамаллиги учун хизмат қилиши лозимлиги.

Ўқувчи тузадиган гапнинг *таъсирчан* бўлиши нутқ маданиятига доир талабларни ҳисобга олиш, билимлардан фойдаланиш асосида амалга оширилади. Шу боседан она тили ўқитиш методикасида нутқ маданиятини шакллантириш ёки ривожлантириш ифодалари тез-тез учраб туради.

Она тили дарсларида *нутқ ўстириш ва нутқ маданиятини ривожлантириш тушунчалари* бир хил даражадаги тушунчалар эмас. Тузиладиган гапларнинг мазмундор бўлишини таъминлаш она тили дарсларида нутқ ўстиришга доир билим, кўникма ва малакалар устидаги ишлардан кўзланган мақсадлар сирасига киради. Таъсирчан гап тузиш ҳам нутқ ўстириш объекти саналса-да, ушбу иш нутқ маданиятига доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш юзасидан бажариладиган ишларга яқин туради. Нутқ маданиятини ривожлантириш деганда, *нутқ маданиятига доир билимлар асосида нутқ ўстириш* деган маъно англашилади, яъни маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган методик тушунча сифатида қаралади.

Методист олима Т.А.Ладиженская «Рус тили дарсларидаги нутқ ўстириш – бу тил ўқитувчисининг махсус ва ўқувчиларнинг тил (талаффуз, лексик, морфологик, синтактик) меъёрларини, шунингдек, керакли тил воситаларидан мақсадга, нутқ мазмуни ва мулоқот шароитига мос равишда фойдаланиб ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шаклларда ифодалаш малакаларини эгаллашлари учун мактаб курси (грамматика, сўз ясалиши, имло ва бошқалар) ни ўрганиш муносабати билан ўтказадиган ишларининг ҳаммаси» деган изоҳи билан [28,6] масаланинг туб моҳиятини очиб беришга муваффақ бўлади.

Муаллиф рус тилидан эълон қилинган дастур бўлимлари орасида «Нутқ маданияти» деган бўлим ҳам борлигига алоҳида эътибор қаратади. «Нутқ маданияти»нинг «Боғланишли нутқ», «Услубият» бўлимлари қатори нутқ ўстириш учун хизмат қилишини эслатиб ўтади.

Ўзбек мактабларининг «Она тили» дастурида «Нутқ маданияти» деган махсус бўлим бўлмаса-да, унга доир билимлар узлуксизлик ва узвийлик асосида ўқувчилар нутқига сингдирилиши керак бўлгани учун ҳам «Ўзбек мактабларида она тили ўқитиш концепцияси»да 5–9-синфлар она тили ўқитиш босқичи, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «нутқ маданиятини ривожлантириш» босқичи деб эътироф этилди.

Нутқ маданиятига доир билимлар лексикология, морфология ва синтаксис, услубият бўлимларида ўрганиладиган мавзулар таркибига ҳам киради.

Адабиётларда нутқ маданияти билан бирга *маданий нутқ* тушунчаси ҳам ишлатилади. Нутқ маданияти маданий нутқ учун хизмат қиладиган тил ҳодисаларининг ўзи эмас. Б.Тўхлиев, М.Шамсиева, Т.Зиядовалар таъкидлашганидек, «Нутқ маданияти оддий салом-алиқдан тортиб, кимга, нимага, қачон, қаерда, қандай сўзлашгача бўлган шарқона одоб ва мулоқот сирларини ўргатади» [63,82]. Шу мазмунда нутқ маданияти педагогика фани

билан яқинлик касб этади.

Э.Бегматов маданий нутқ тушунчасига агрофлича таъриф берган тилшунослар сирасига киради. У бундай деб ёзади: «Чунончи, маданий нутқнинг ахлоқ-одоб билан, гўзаллик, бадиийлик, мазмундор ва таъсирчанлик тушунчалари билан, изчиллик, ўткирлик, нутқий чечанлик, психологик ҳолатлар билан боғлиқ томонлари — логика, этика, эстетика, психология, социология, педагогика фанлари илмий принциплари асосида аниқланади, ўша фанлар эришган ютуқлар асосида изоҳланади, талкин этилади» [12, 31].

Баъзан нутқ маданияти тушунчаси маданий нутқ тушунчаси билан вариант ҳосил қиладиган даражада тенглаштирилади. Э.Бегматов М.Агафонованинг қуйидаги таърифини келтиради: «*Маданий нутқ* деб, одатда, *миллий ўзига хослиги*, мазмунан аниқлиги, тил жиҳатдан бойлиги, мантқан изчиллиги, грамматик, ифодавий тўғрилиги, бадиий равишанлиги билан ажралиб турувчи нутққа айтилади» [12, 43].

Сўзловчи ҳамisha ўзи айтадиган гапларнинг суҳбатдошига қандай таъсир қилишини ҳам ўйлаши, ўзи ва сўзлари ҳақида яхши таассурот уйғотишга интилиши лозим. «Нутқнинг тингловчиларга қандай таъсир қилишида ва уларда қандай таассурот қолдиришида нотикнинг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, имо-ишоралари, ҳатто кийиниши каби омилларнинг ҳам роли бор. Самимийлик, хушмуомалалик, одоблилик, тингловчиларга ҳурмат билан қараш каби фазилатлар нутқнинг кишилар томонидан эътибор билан тингланишига сабаб бўлади» [75, 66].

Нутқ ўстириш она тили ўқитишнинг умумий мақсади ва йўналиши саналса, нутқ маданиятини шакллантириш боғланиши нутқ ўстириш каби хусусий мақсад ва йўналишни ифода қиладди. Бу ишлар *нутқ маданиятига* доир маълумотларга асосланиб ташкил этилади.

Р.Қўнуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиевлар Ўрта Осиё маданияти тарихида нутқ маданияти билан шуғулланиш ўзига хос мавқега эга бўлганлигини уқтирадилар. «Машҳур турколог М.Қошғарийнинг «Девони лугатит-турк» асари бу масаланинг жуда қадимдан ўртага қўйиб келинганлигидан гувоҳлик беради. У даврларда шартли равишда *нутқ одоби* деб юритилган қоида ва кўрсатмаларда содда ва ўришли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш ... ҳақида гап боради» [75, 7]. «Бу даврда нотиклик санъати усталарининг надимлар, қиссагўйлар, масалгўйлар, бадиҳагўйлар, қироатхонлар, муаммогўйлар, воизлар, гўяндалар, маллоҳлар, қасидахонлар деб юритилиши ҳам шундан далолат беради» [75, 7].

Аллоамаларимиз маъқул сўз айтишни нотиклик санъати билан боғлагашлар. Р.Қўнуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиевларнинг маълумот беришларича, «Навий нотиклик санъатини ўз даврида юксак даражага кўтарибгина қолмай, нутқ маданияти назарияси билан ҳам жиддий шуғулланган. У «Махбуб ул-қулуб» асарининг 24-бобини воизликка (нотиклик санъатига) бағишлаган. «Муҳокамат ул-лугатайн» ва «Мажолис

ул-нафоис» асарларидаги кўплаб мулоҳазалар эса бевосита тилшуносликнинг назарий муаммоларини ҳал қилишга, ўзбек тилининг бошқа тиллар ўртасида тутган ўрнини белгилаб беришга ҳамда ўзбек нутқ маданиятини ўрганишга қаратилган» [75, 7].

Буюк алломаларимизнинг барчаси гапирганда шунчаки тилнинг қонуқоидаларига амал қилиш эмас, балки муайян мазмунни тўғри, мукамал ва таъсирчан тарзда ифодалаш зарурлигини уқтиришган.

Таъсирчан гап тузиш нутқ ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш йўлидаги машқ турларидан биридир. Маълумки, мазмундорлик фикрнинг тўла ифодаланишини таъминласа, таъсирчанлик ўзгалар нутқини диққат-эътибор билан тинглаш учун туртки беради. Сўзловчи ана шу икки жиҳат эгаси бўлмоғи лозим. Кейингида муҳим лингвистик муаммо мавжуд. Муаммо шундаки, методик адабиётларда ўқувчиларнинг нутқ маданиятини мазмундорлик ва таъсирчанлик йўналишларида ривожлантириш учун 5-синфдан бошлаб қайси услубга устувор аҳамият бериш кераклиги юзасидан аниқ хулосалар мавжуд эмас. Бундай хулосалар нутқ маданиятига доир манбаларда етарли. Ушбу манбаларнинг айримларида гап кўпроқ суҳандонлар ҳақида боради.

Н.Жумаевнинг таъкидлашича, «Услубига кўра, суҳандонлар тўрт хил бўлади. Бир хиллари на шеър, на насрий асарлардан фойдаланмай, фақат оддий гапларни гапирдилар. Уларнинг нутқи камбағал ва жозибасиз бўлади. Иккинчи хиллари фақат шеър ўқийдилар, шеърни равон ва ифодали ўқиб, тингловчиларга завқ бағишлайдилар. Учинчи хиллари насрий асарлар, мўъжаз гаплар, ибора ва таъриф тавсифлар (қасидахонлик)ни наср билан адо этадилар ва бу тоифани гаррохон (чиройли ўқийдиганлар) деб атайдилар. Тўртинчи хиллари наср ва назми аралаштириб, ўз ижодий фикрлари билан йўғириб гапирдилар. Бу тоифани мурассаъхон (сўз устаси), деб атайдилар. Бундай нотикларнинг камолу фазли, мартабалари олдинги уч гуруҳдан баланддир» [52, 70].

Аён бўладикки, мазмундор ва таъсирчан сўзлаш учун қисқа, лекин ибора ва таъриф тавсифлар кўпиб гап туза олиш керак. Айни пайтда айтилаётган фикрнинг тингловчига етиб бориши ва унинг хулқига таъсир этиши нотикнинг сўзлаш маҳоратига ҳам боғлиқдир. «Оддий гаплашувдан нотикона нутқнинг фарқи шундаки, нотик ҳар бир айтилаётган сўзга, гапга, сўз боғламаларига алоҳида муносабатда бўлади. Ўз фикрларини қандай «либос»да тақдим этаётганлиги билан қизиқади. Сўзлаганда турли оҳанг ва ҳаракатлардан фойдаланади: қўл, гавда, бошнинг тасдиқ ёки инкорни билдирувчи ҳаракати, имо-ишоралар билан аудиторияга юзланиб туради. «Шундай эмасми?», «Тўғри-да» каби лўқмалар орқали тингловчиларга мурожаат қиладди, уларни фаолиятга ундайди. Риторик сўроқ гаплар, тайёр жумлалардан, мақол, матал, ҳикматли сўз ва гаплар (афоризм)дан унумли фойдаланади. Бу ҳаракатлари билан нутқ давомида тингловчилар билан боғланиб, уларнинг диққатини мавзуга тортиб туради» [73, 96–97].

Нотикона нуткни ифода мақсади ва хусусиятларига кўра ташвикий, танкидий, табрик нутқларига ажратиш мумкин.

Ташвикий нутқ деб муаллиф кўзда тутган бирон воқеа-ҳодисани бажаришга тингловчиларни даъват этувчи, ундовчи нутққа айтилади. Нотик мавзунини далиллар асосида тингловчиларга ифодалаб беради, уларни ишонтиришга интилади. Ташвикий нутқда халқ ҳаётидан, тарихидан, одат, удумларидан олинган таниш далилларга ва бошқа мисолларга мурожаат этиш, нутқнинг таъсирчанлигини оширувчи барча воситалардан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Бизнингча, ишонтиришдан ташқари, тингловчини ўзига ром этадиган қилиб ҳам гапириш зарур. Яхши, чиройли, ёқимли қилиб сўзлаш ёки ёзиш эса таъсирчан нутқнинг белгисидир. Бунинг учун сўзловчи мавжуд тил ҳодисаларини орасидан энг мақбулини танлаб олиши керак бўлади.

Дарҳақиқат, она тилнинг хурмат қилган, унда равон ва чиройли гапира олган инсон нутқ маданиятига эга бўлади. Бу борада Х.Умарованинг қуйидаги фикрларига қўшилмай бўлмайди: «Нутқ тўғри, аниқ ва ёқимли бўлиши лозим. Нутқ қанчалик тўғри ва аниқ бўлса, у шунчалик тушунарли бўлади; нутқ қанчалик ёқимли ва ифодали бўлса, у тингловчига шунчалик кучли таъсир этади. ...Тўғри, аниқ ва ёқимли сўзлаш учун тил бойликларидан мазмунга хос зарур сўзни танлаш олиш, сўзни ўринсиз такорламаслик (луғавий метрларга риоя қилиш), сўз шаклини ва гап турини тўғри қўлаш, услуб биринини сақлаш, нутқнинг таъсирчан бўлишини таъминлаш лозим. Нутқ маданияти сўзловчидан тил бойлигини – луғат бойлиги, грамматика, талаффуз, услуб турлари ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларини яхши билишни талаб қилади. Нутқ маданияти сўзловчининг шахсий маданий савиясини билан ҳам боғлиқдир» [65,9]. Муаллифнинг тил бойлиги, хусусан, луғат бойлигини яхши билиш ҳақидаги фикрини рўёбга чиқариш учун она тили таълимида услуб турларидан бадий услубга эътиборни кучайтириш лозим бўлади.

Ўзбек тили ифода воситаларининг қиммати нутқдан қўланган муддаога (мотивга) кўра ўз вазифасини қанчалик ўринли бажара олиши билан ўлчанади. Ёзма нутқда оғзаки нутқ маҳсулига сайқал, ишлов берилади, чунки бунда тегишли, мос ифода воситасини излаш, топиш, танлаш, ана шулар сўнгидагина қўлаш, ёқмаган сўзни ўчириб, ўринга бошқасини ишлатиш имконияти мавжуд. Шунга кўра ҳам, ифода воситаларининг нечоғлиқ тўғри танлангани энг назик тасаввурлар ва фикрлар қанчалик аниқ, мукамал ҳамда равшан ифодаланганлиги билан белгиланади.

Шундай эмоционал-экспрессив лексик ва грамматик воситалар борки, улар жумлани тингловчи учун ёқимли ҳолатга келтиради. Сўзловчи ана шундай лексик ва грамматик воситалар ҳақида тушунчага эга бўлмоғи, уларни ўз нутқий бойлигига айлантирмоғи даркор.

Ўзбек тилида барқарор эмоционал-экспрессив бўёқли морфологик шакллар кўп. Лекин уларни билишдан ташқари, ўринли ишлата олиш ҳам

катта маҳоратни талаб этади. Чунки грамматик восита қанчалик эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлмасин, нўноқ тузилган жумлага у ўз функционал қийматини йўқотиши мумкин.

Аслида, Э.Бегмаговнинг таъкидлашича ҳам, инсон ўз фикр, мулоҳаза, эҳтиёж, орзу, истакларини тингловчига етказиш учун «... тилдаги мавжуд керакли сўзлардан, грамматик воситалардан, эмоционал-экспрессивликни таъминловчи синоним, антоним, метафора, эвфемизм, вокатив, модал, ундов, тақлидий, такрорий сўзлардан кенг фойдаланади» [12, 171].

Х.Дониёров, Б.Йўлдошевларнинг «Адабий тил ва бадий стиль» китобида Саид Аҳмаднинг бадий ижод ва унда тилдан фойдаланишнинг нақадар мураккаблиги ҳақидаги қуйидаги фикри келтирилади: «Тилни билиш фақат қайси сўзнинг неча хил маъноси борлигини билиш билангина ўлчанмайди. Шу сўзлардан қаҳрамон кайфиятига мос жумла тузиш, аввалги жумлага уш ҳамоҳанг қилиш, қаҳрамон портретини ўқувчи кўз олдида келтира олиш, унинг қайси касб эгаси эканлигини аниқлаш, атрофида қандай манзара борлиги ва бошқа жуда кўп шартларни бажариш керак» [16, 36].

Аён бўладики, мазмундор ва таъсирчан гап тузиш учун бўёқдор сўзларни, эмоционал-экспрессив воситаларни ишлатишгина эмас, балки жумлага реал воқелик тасвиридан ташқари, фикр субъектининг руҳиятини ҳам акс эттирган ҳолда ҳис-туйғу ифодаловчи сўз шаклларини киритиш лозим. Ана шунда тузилаётган гап янада ишонарли, ифодали чиқади.

Эмоционал-экспрессив лексик ва грамматик воситаларни танлаш ҳамда маҳорат билан ишлатиш ўрни нутқ услубига боғлиқдир. Маълумки, нутқ услублари бир неча хил бўлади: сўзлашув услуби, бадий услуб, илмий услуб, публицистик услуб, расмий-идоровий услуб. «Нутқ услублари лексик ва грамматик воситаларнинг қўлланилишига кўра фарқланади. Шунингдек, нутқий воситаларнинг қўлланилиш имкониятлари ҳам турли услубларда турличадир. Бадий услуб услубий воситаларга бой. Чунки бадий нутқнинг асосий хусусияти образлилик бўлиб, у тил лексик составидан ўринли фойдаланиш ҳамда услубий воситаларнинг кенг қўлланилиши туфайли вужудга келади» [12, 90]. «Ўзбек тили нутқ маданияти очерклари» да алоҳида таъкидланганидек, «Бадий услуб бошқа услуб турларидан кенг қамровлилиги, турли ифода воситаларига бойлиги билан ажралиб туради. Чунки, бадий нутқ шу нутқ учун хос бўлган воситалардан ташқари, барча нутқ турлари учун хос бўлган воситаларни ҳам қамраб олади» [70,82]. Нутқ ўстиришда бадий услубга таяниш зарурияти унинг қамрови жуда кенг эканлиги билан асосланади.

Илмий услуб бундай эмас. У функционал услублар орасида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу хусусиятлар илмий услубнинг вазифасига кўра содир бўлади. «Илмий услубнинг асосий грамматик хусусиятлари унда фикрнинг равшан ифодаланиши, фикрларнинг мантикий боғлиқлиги, изчиллиги, ифодадаги синтактик аниқликдир» [9,

97]. Бундан келиб чиқадики, илмий услубда тасвирий воситалар ишлатилса, улар нуткнинг образлигини, ифодалигини уюштириш вазифасини бажармай, нутқий аниқликни таъминлаш учунгина хизмат қилади.

Илмий услубда камдан-кам ҳолатларда бадий воситалар (масалан, ўхшатиш ва сифатлаш) ишлатилади. Улардан баъзан кўпчиликка маълум бўлмаган бирор нарса, предмет ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун фойдаланилади. Масалан, «қирққулок» термини ўхшатиш йўли билан ҳосил қилинган.

«Обучение русскому языку в 5–6 классах» қўлланмасида таъкидланишича, одамларнинг фикр-ўйларига, ҳис-туйғуларига, хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатиш учун публицистик характердаги матнларда «китобхонга таъсир кўрсатишнинг тил воситалари»дан (М. Н. Кожина) фойдаланилади [53,180]. Лекин публицистик услуб имкониятларини бадий услуб берадиган имкониятлар билан тенглаштириб бўлмайди.

М.Мукаррамовнинг таъкидлашича, айрим тилшунослар «тасвирий ифода имконияти» деганда фонетик, лексик, грамматик бирликларнинг экспрессив-эмоционал муносабат билдиришини тушунадилар [45,5]. А.А.Абдуллаев экспрессия ифодалайдиган синтактик бирликлар ҳақида бундай дейди: «Синтактик синонимия, сўрок, буйрук гапларнинг айрим кўринишлари, ундов гаплар, бир составли гаплар (айниқса, унинг эгасиз бир составли гап деб номланган турлари), инкор ва тасдиқ формаларининг асос маънода қўлланиши, гапнинг инверсив тартибда тузилиши, гапнинг қисқалаш асосида қурилиши ва махсус стилистик фигуралар экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усулини ташкил этади» [2,7]. Аён бўладики, мазмундор, таъсирчан гап тузиш учун биргина хоҳиш-истакнинг ўзи, қолаверса, сўз ва морфологик шакллари билиш кифоя қилмайди. Айтмоқчимизки, экспрессия ифодалаш мумкин бўлган морфологик ва синтактик бирликларни ҳам ўрганиш даркор. Бундай бирликлар тилшуносликка оид манбаларда маълум даражада ажратилган.

А.А.Абдуллаевнинг таъкидлашича, «Экспрессивлик ифодалашнинг яна бир усули сўзларнинг аналитик такрор формасидир. Бир ўзакли сўзларнинг қараткич-қаралмиш формасида (*гузалларнинг гўзати*), чиқиш келишиги формаси ёрдамида (*камдан-кам, қанчадан қанча, кучайгандан кучаймоқ*), савол-жавоб формасида (*гиламмисан-гилам, йиғитмисан-йиғит*), сифатдошнинг эгалик формаси ёрдамида такрорлаш билан (*яиннаганим яиннаган*) белгининг кучли даражаси ифодаланади» [2,5].

Экспрессивлик фикр ифодасининг таъсир кучини орттириш демакдир. А.А.Абдуллаев бу хусусда фикр юритиб, Е.М.Галькина-Федорук, К.В.Горшкова, Н.М.Шанскийларнинг фикрларидан шундай хулоса чиқаради: «Нутқни янада ёркинроқ, таъсирчанроқ, таассуротлироқ қиладиган нарсаларнинг ҳаммаси экспрессиядир. Демак, нутқ экспрессивлиги — нутқни ёркин, таъсирчан, тасвирий таассуротли қилувчи воситалардир» [2,5]. Сўзловини

ани шу воситалар ҳақида маълум тасаввурга эга бўлган тақдирдагина улардан фойдаланишга эътибор бера бошлаши мумкин.

Сўзлар ҳам, грамматик кўшимчалар ҳам муайян нутқ услубларида маълум меъёрий-услубий қондаларга бўйсунган ҳолда қўлланади.

Она тили дарсларида ўрганиладиган морфологик шаклларнинг услубий ҳосилги бир қатор тилшунос олимларнинг асарларида ёритилган. Р.Қўнуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиевларнинг «Нутқ маданияти ва услубият асослари» китобида грамматик воситаларнинг услубий ҳосиланиши тўғрисида сўз юритилиб, тасниф орасида қуйидаги умумий хулоса берилди: «Бадий нутқ услубида маълум грамматик шаклнинг барча кўринишлари — шева ва тарихий вариантлари ҳам асарнинг мавзу талаби билан қўлланаверади» [75, 94]. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, дастлабки даврларда грамматик воситаларни ўргатишда бадий услубга асосланган мақсадга мувофиқдир. Зеро, ўқувчилар аввал ўз нутқини тил ҳодисалари билан услубий қўлланишини ўйламаган ҳолда бойита бошлашлари, кейин эса услубий қондаларни эгалдай боришлари таълимда осондан қийинга, танишдан нотанишга томон бориш учун бир қатор қулайликлар тугдиради.

Юқорида номи тилга олинган асарда, шунингдек, Э.Қиличевнинг «Ўзбек тилининг амалий стилистикаси» қўлланмасида илмий, публицистик, сўзлашув, бадий нутқ услубларида грамматик воситаларнинг қўлланишидаги фарқлар баён этилган. Биз бу фарқларни қуйидаги гуруҳлар бўйича умумлаштирдик:

Сўз туркумиларида:

а) Бадий нутқ услубида сифатлар фаол ишлатилади, чунки сифатлар бадий тасвирда кўпинча эпитет вазифасини бажаради.

б) Олмошлар орасида кишилик ва кўрсатиш олмошларининг қўлланиши бошқа турларига нисбатан маҳсулдор саналади.

в) Сонлар бадий нутқ услубида, одатда, аниқ маъноларни англатиш билан бирга маъноси кенгайган ҳолда ҳам қўлланади.

г) Ундов ва тақлидий сўзларнинг вазифавий услубларда учраши ҳам характерли. Бундай сўзлар илмий ва расмий услублар учун ҳос эмас, публицистик услубда кам ишлатилади. Сўзлашув ва бадий нутқ услубларида эса уларнинг қўлланиши маҳсулдор.

Профессор Н.Махмудов тўғри кўрсатганидай, «Бадий нутқда сўзлар ўз ва ҳатто кўчма маъноларидан ташқари ҳам ўзига ҳос янгида янги маъно кирраларини қасб этиши ва шу тарзда бадий тасвирнинг янада аниқлигини таъминлаши мумкин» [41,113].

Бадий услуб морфологик шакллари кенгрок қамраб олади. Нутқ маданиятига доир манбалардан фойдаланган ҳолда **кўшимчалар** борасида бадий услубнинг бошқа услублардан фарқлари қуйидаги тарзда умумлаштирилди:

а) Бадий нутқ услубида отларни қўллашдаги ўзига ҳослик, энг аввало, уларнинг -ча, -чак, -чок, -чик, -кай, -гина, -кина, -лок, -жон, -хон, -ой, -бека,

-поиша, -биби, -бону, -нисо, -гул каби субъектив баҳо шакллари олишида кўринади [76,64-145];

б) Ўзбек тилидаги бир қатор аффикслар фақатгина бадий нутқ услуби учун хосдир. Масалан, -ажак, -кин, -гуси, -гали, -гай, -миш, -и, -на, -он, -қали, -гил, -қил ва ҳоказо;

в) Бадий нутқ услубида феълнинг барча нисбат шакллари иштирок этса ҳам, **аниқ нисбатда** қўлланган феъллар сони кўпдир. **Илмий нутқда** эса, аксинча, феъллар аксарият ҳолатларда **мажхул нисбатда** қўлланилади;

г) Грамматик воситаларнинг синонимлари ҳам қўлланишда услубий чегараларга эга. Масалан, «кириш мумкин» ва «кирса бўлади» бирикмаларида «-(и)ш мумкин» шакли билан «-са бўлади» шакли маънодош.

М.Мирмахсудова таъкидлаганидек, «Бир қатор тил ҳодисалари услубий хосланиб ишлатилади. «...-са бўлади» шакли асосан сўзлашув нутқида қўллansa, «-(и)ш мумкин» шакли китобий нутққа оид» [32,119].

«Услубшунослик нутқни назаридан қараганда, гапнинг маъноси, мазмундор ва таъсирчан бўлишини таъминлашда гап бўлакларига хос хусусиятларни билиш ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади» [71,114]. Бадий услубда аниқловчилар, айниқса, сифатловчи аниқловчиларнинг аҳамияти катта, чунки таъсирчанликни таъминлаш кўпинча айни шу бўлак зиммасига тушади.

Ўқувчилар туздиган гаплар бадий нутқ услубига асосланиб тузилгани маълум. Бунинг натижасида қуйидагиларга эришиш мумкин бўлади:

1) дастлабки даврда морфологик шакллари «бу нутқ услубида ишлатилади – бунисида ишлатилмайди» деган мазмунда ҳар қадамда фарқлаб туриш зарурияти вақтинча кечиктирилади;

2) шунга кўра ҳам она тили курси билан танишадиган ўқувчи ҳали тўлиқ ўзлаштирилмаган морфологик шакллари сараландек машаққатли ишлар туфайли кўшимча қийинчиликларни бопидан кечирмайди;

3) морфологик шакллари услубий хослаш малакаси назарий маълумотларсиз ҳам «тил сезgirлиги» орқали шаклланиши мумкин;

4) морфологик шакллари маълум бир қисмини нутқда ишлатмасликка сабаб бўладиган суъвий гов олиб ташланади;

5) натижада ўқувчида услубий қоидага амал қилишдан чўчиш, ҳадиксиратиш каби ҳислатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ нохуш вазиятнинг олди олинади, эркинликнинг бўғилишига йўл қўйилмайди, фаоллик пасаймайди, барқарор қизиқиш таъминланади.

Хуллас, юқорида баён этилганлар асосида ҳулоса қилиш мумкинки, мазмундор ва таъсирчан гаплар тузиш устида олиб бориладиган ишлар учун дастлабки даврларда сўз ва грамматик воситалардан фойдаланишда жиддий чекловлар бўлмаган бадий услуб асос қилиб олишмоғи даркор.

Она тили дарсларида ўқувчилар ўтилган назарий маълумот бўйича мисол келтирилганда, яъни бирор грамматик топширик билан гап тузганда, ўзи яратадиган жумланинг мазмундорлиги, таъсирчанлиги ҳақида ўйлай

бошласа, дарҳол грамматик воситаларни услуб талабига кўра хослаб қўллаш вазиятига тушади. Гап шундаки, у еки бу грамматик воситани тўғри ишлатиш учун қайси услубда қайсинисини ишлатиш кераклигини умумий тарзда бўлса ҳам тасаввур қила билиш даркор. 5-синфда ўқувчилар дастур талабига кўра бадий услуб билан танишадилар, 7-синфга келиб бир қадар шивий, публицистик ва расмий-идоравий услуб хусусиятларидан амалий равишдагина воқиф бўладилар. Энг муҳими, бадий услуб жорий этилганда ўқувчилар дастлаб сўзлашув услуби ва шеваалар тилини, сўзлашув услуби билан китобий тилни фарқлай бошлайдилар.

Демак, 5-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг бадий услуб ҳақидаги тушунчаларига таяниб амалий ишлар бажариш учун имкониятлар кўп. Бундан ташқари, мазмундор гап тузиш учун ўқилган бадий асарларга мурожаат этиш, персонажлар билан боғлаб гап тузишнинг аҳамияти катта. Маълумки, асар қаҳрамони тилидан айтиладиган гаплар сўзлашув услубида, ҳатто айрим ҳолатларда шева тилида бўлиши мумкин. Сўзлашув нутқи ўзига хос қурилишга, синтактик хусусиятга эга бўлиши билан бирга шева тилини ҳам ақс эттиради.

Мазмундор ва таъсирчан гап тузиш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар мундарижаси аниқ бўлган, булар таълим мазмунига кирган тақдирдагина янги педагогик технология шартига кўра ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқни ўзаро алоқадорликда ўстириш лойиҳаланиши, савияси назоратта олиниши реаллик касб этади. Н.Жумаев жуда ўринли таъкидлаганидек, «Нутқни ёзма равишда баён этмок – иншо демакдир. Асли, бу ҳам нотиклик санъатининг бир қирраси санъат ичра санъатдир. Ёзма нутқ билан шугулланмаган бирор нотикни учратиш қийин. Зеро, нотикларнинг ҳеч бири ёзма нутқни сайқал топтирмасдан чивакам санъаткор даражасига кўтарилмаган бўлса керак» [52, 72].

Айрим грамматик воситалар ҳам сўзлашув нутқини ўзида мужассамлаштирувчи диалоглар таркибида бадий матн орқали ёзма манбага муҳрланади.

Амалга оширилган талқинлардан қуйидагилар маълум бўлди: мазмундорлик гапга оптимал ахборот киритиш, иккинчи даражали бўлақлар микдорининг органи орқали таъминланади, она тили дарсларининг асосий мақсади нутқ ўстириш бўлиб, нутқ маданиятига доир талабларни ўзлаштириш, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш нутқ маданиятини шакллантириш (ривожлантириш) нутқ ўстиришда бир йўналишни ташкил қилади; эмоционал-экспрессив воситаларни фаоллаштириш мазмундор ва таъсирчан гап тузишга ўргатишда муҳим аҳамият касб этади, бу воситалар дастлаб (5-синфдан) бадий услубни таянч қилиб олиш кераклигини кўрсатади.

1.2. Назарий маълумотлар юзасидан мисол келтириш машқлари орқали ўқувчилар нутқини ўстиришнинг бугунги

ХОЛАТИ

Назарий ва методик адабиётлардан ўқувчилар тузадиган гаплар қайси омилларга кўра мазмундор ва таъсирчан саналиши мумкинлиги ҳақида, она тили дарсларида нутқ ўстиришнинг нутқ маданияти, шунингдек, бадвий услуб билан алоқадор жиҳатлари тўғрисида етарли маълумотга эга бўлганимиздан кейин муаммонинг бугунги ҳолатини ўрганишга ва илгари тўплаган тажрибаларимиз асосида таҳлил қилишга киришдик. Шу мақсадда мактабларда она тили дарсларини кузатдик, ўқувчилар назарий маълумот юзасидан келтираётган айрим мисолларни ёзиб олдик, махсус назорат ишлари ўтказдик, ёзилаётган баён ва ишюларни кўздан кечяриб бордик.

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги қатор мактабларнинг она тили дарсларида туман халқ таълими бўлимининг она тили ва адабиёт услубчиси сифатида 5 йилдан ортиқ вақт мобайнида 300 ўқув соатига яқин кузатган дарсларимиз натижаларидан маълумки, баён ва ишюда мазмундорликка интишган ўқувчилар ҳам назарий маълумотларни мустаҳкамлаш чоғида, айниқса, мустақил равишда қоида ёки таърифга мос мисол келтириш пайтида кўпинча мавзуга оид жўн гаплар туздилар. Масалан: «Мен гулдаста ясадим», «Қаламда ёзим», «Баҳор келди, кунлар исиди» каби. Бу гаплар мазмуни ва грамматик шаклланиши жиҳатидан тўғри. Лекин уларда ахборот етишмовчилиги мавжуд. 5-синфдан 9-синфгача ўтиладиган назарий маълумотлар юзасидан мисол келтиришга доир топшириқларда айни шу каби гаплардан фойдаланишнинг зиёни йўқлай туюлади, лекин бу ишлар нутқ ўстиришга салмоқли хисса қўшмайди ҳам.

5-синфда «Ҳозирги замон» мавзуси ўтилаётганда ўқитувчи дарсни уй вазифасини («Ўтган замон») сўрандан бошлади. Жавоб бериш учун чакирилган ўқувчидан дарсликдаги «Ўтган замон феъли деганда қандай феълларни тушунасиз?», «Ўтган замон кўшимчалари ҳақида гапиринг!» саволларига жавоб олингач, ундан мисол келтиришни талаб этди. У «Мен ўқиган эдим» жумласини айтгач, ўқитувчи унга шу гапдаги «ўқиган эдим» феълини туслаб синф тахтасига ёзиш, шахс-сон кўшимчаларининг таъсирга чизик чизишни топширди. Ўқувчи -им, -инг кўшимчаларини чиза бошлагач, «и»ни чизмаслик кераклигини айтиб, чизик чизилган йўл кўйилган хатони тузаттирди, лекин нима учун шундай қилиш кераклигини изоҳламади.

Мисол келтириш топшириги оғзаки бажарилганда, ўқувчилар туздиган гапларнинг ҳаммаси мазмундор ва таъсирчан бўлишига эришил қийин. Аммо синф тахтасида бажариладиган ва ўтирганлардан дафтарга кўчириб олиш талаб этиладиган гапга нисбатан маъсулият билан ёндашиш, туслаш лозим бўлган феъл уларнинг сўз бойлигини оширишига, илдосини эслаб қолишларига, умуман, нутқини ўстиришга ердам берадиган бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

Янги мавзу («Ҳозирги замон») тушунтирилганда, **-ётир, -моқда** кўшимчалари **-янги** кўшимчаси билан тенг маънода эмас, балки бирмунча

фарқли маънода эканлигини мисолларни таққослаш орқали аниқлаш мумкин эди (**-ётир, -моқда** кўшимчалари феълларда бажарилаётган иш-ҳаракатдан хайратланиш мавжуд). Лекин ўқитувчи масаланинг бу жиҳатига тўхталмади. Ваҳоланки, 278-мапқ шартига кўра ўқувчилар ўз опаларига уй ишларида қандай ердам беришлари ҳақида ҳикоя тузишлари керак. Ўқувчи ўз хис-туйғуларини ифода этсагина, ўз «ҳикоя»сида учала кўшимчани фарқлаб ўз ўрнида ишлата олади.

Биз дарс кузатиш билан кифояланмасдан, айрим мактабларнинг 5-7-синфларида назорат ишларини амалга оширдик. Ўқувчиларга 3 вариантда 10 гап феъл бериб, гап тузишни топширдик. 300 га яқин ёзма ишни ўрганиш шунга кўрсатдики, таъсирчан, мазмундор гап тузиш кераклигини айтмаган ҳолда вазифа беришганда, ўқувчилар шунчаки гап туздилар. Масалан, 6- «Д» синф ўқувчиси Мнинг тузган гаплари (берилган сўзлар: кутмоқ, гавдаланмоқ, кўтармоқ, кўрмоқ, кенгайтирмоқ, қайтмоқ, эшитмоқ, тапшмоқ, ўтирмоқ, текширмоқ):

1. Мен ўртоғимни кутдим. 2. Юлдузнинг онаси ўрта бўйли, гавдали. 3. Мен укамни кутариб юраман. 4. Мен мактабда укамни кўрдим. 5. Биз ҳовлимизни кенгайтирдик. 6. Биз мактабдан қайтдик. 7. Мен дарсни эшитиб ўтирдим. 8. Мен китобларни ташидим. 9. Бозбон бозда ўтирди. 10. Менинг диктантимни муаллимга текширди.

Ўқувчилар томонидан тузилган бундай жўн гапларга оид мисолларни кўшлаб келтириш мумкин. Лекин мақсадимиз уларнинг кўпчилигини исботлаш эмас, балки бу ҳолатнинг вазифани бажариш учунгина гап тузиш оқибати эканлигини кўрсатиш эди.

Шуни эслатиш лозимки, ўқувчиларнинг кўпчилиги ўзи ҳақида, оила аъзолари, тенгдошлари тўғрисида гапирди. Масалан: **Мен бугун мактабдан барвақт қайтдим. Дадам бугун эрта келди. Аям магазинга чиқиб, тезда қайтиб кел, дейишди. Динора укасига қараидан зериккан эди. Дилшод қидирган ишини топди.**

Ўқувчилар тузган гапларда оз бўлса-да, касб эгалари (шифокор, бозбон, рассом ва б.), эртақ қаҳрамонлари (бўри, тулки, кўзичоқ ва б.) ҳам тилга олинган. Масалан: **Кўнча бўрига кўрқиб қаради. Рассом ўз асарларини музейда кўрсатгани чиқармоқчи.**

Аниқ шахсларни тилга олиб билдирилган фикрлар жуда оз. Масалан: **Миржалол Қосимов ўшндан чиқди. Бобур ўз ватани Андижонни кўз олдига гавдалантирди.**

Ўқувчининг руҳияти акс этган гаплар яна ҳам кам. Масалан: **Биз ҳар ишли янги йилни интизорлик билан кутамиз. Мен радиодан берилаётган эртақни қизиқиб эшитдим. Кўз ўнгимда унинг маънос чехраси гавдаланди.**

Ўқувчилар тузган айрим гапларда ахборот етишмаслиги, яъни фикр тўлиқ аниқлашмаётганлиги аниқ сезилиб туради. Масалан: **Беход ойисидан гап эшитди (Дилафруз А.). Бозда бодом гуллади (Гулҳаё Й.). Мухаббат ўртоғини байрам билан табриқлади (Алимардон Т.). Мен кўпроқ ашуларни**

3-саволимиз 2-саволимизнинг давоми ҳисобланади. Савол шундай: «Қоида юзасидан мисол келтирганда (гап тузганда) одамларнинг киефлари, қилган ишлари ҳам кўз олдингизда намоён бўладими?» Жавоб вариантлари:

а) кимларнингдир киефаси, хатги-ҳаракатларини кўз олдимга келтираман;

б) теварак-атрофимдаги одамлар, таниш-билишлар, туманимизнинг таниқли кишиларини кўз олдимда гавдалантираман;

в) бадий асар қаҳрамонлари кўз олдимда туради.

Сўровномада катнашган 406 нафар ўқувчининг 141 нафари гап тузганда теварак-атрофидаги одамлар, таниш-билишлар, туманининг таниқли кишиларини кўз олдимга гавдалантиради. 138 нафари эса бадий асар қаҳрамонларини кўз олдимга келтиради. 127 ўқувчи кимларнингдир киефаси, хатги-ҳаракатларини кўз олдимга келтираман, дея жавоб қайтарган. Лекин тузилаётган гашларда бундай ҳолатларнинг таъсири кўпинча сезилмайди, яъни одамларнинг ички кечинмаларини ифодаловчи воситалар учрамайди.

4-саволимиз: «Буюм, воқеа-ҳодисаларни бадий тасвирлаш қўлингиздан келадими?» Жавоб вариантлари:

а) Ҳа; б) Йўқ; в) Бу ҳақда ўйлаб кўрганим йўқ.

Биз 5-синф она тили дарсларида бирор буюмни бадий тасвирлаш ҳақида назарий маълумот берамиз. Шунинг учун ўқувчи расмга қараб гап тузганда, табиатга экскурсия қилганда, кузатишлари асосида ишро ёки баён ёзганда ана шу маълумот асосида машқлар бажарадилар.

Лекин 406 ўқувчининг 97 нафари ўзининг бу ҳақда ўйлаб кўргани йўқлигини маълум қилган. Ваҳоланки, у кундалик ҳаётда ўз яқинлари ёки ўртоғи билан мулоқотда кўрган киносини, ўқиган ҳикоя ёки эртагиши, воқеани ёки қаҳрамонни тўлкинланиб, ҳис-ҳаяжон билан, бўрттириб, мароқ билан гапириб беради.

127 ўқувчи саволга «Йўқ» деб, 182 нафари эса «Ҳа» деб жавоб берган.

Демак, «Бадий тасвир воситалари» мавзусини яхши ўзлаштирмаган ўқувчилар оз эмас. Адабиёт фани билан боғлиқ ҳолда уларнинг бадий тасвир ҳақидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб боришимиз керак.

5-саволимиз: «Тузадиган гапларингиз мазмундор, таъсирчан бўлиши кераклиги ҳақида ўйлайсизми?» Жавоб вариантлари:

а) Ҳа; б) Йўқ.

Сўровнома билан қамраб олинган 406 ўқувчидан 305 нафари «Ҳа» деб, 101 нафари «Йўқ» деб жавоб қайтарган. Дарҳақиқат, ўқувчилар ишро ёки баён ёзганда чиройли жумладар қуришга ҳаракат қиладилар. Лекин ўтилган назарий маълумотни мустаҳкамлаш чоғида уларнинг маълум сабабларга кўра мазмундор, таъсирчан гап билан мисол келтирмаётганлиги ҳам айни ҳақиқат. Бунга кўпинча ўқувчилар олдимга тегишли талаб қўйилмаслиги ёки уларда билим етишмаётганлиги ҳам сабаб бўлаётган бўлиши мумкин.

6-саволимиз: «Устозингиз сиз тузадиган гапларнинг мазмундор, таъсирчан бўлиши зарурлигини ҳамма вақт талаб этадими?» Жавоб

вариантлари:

а) Талаб этмайди; б) Баъзан талаб этади; в) Ҳамма вақт талаб этади.

406 ўқувчининг 177 нафари устозлари улар тузадиган гапларнинг мазмундор, таъсирчан бўлишини ҳамма вақт талаб этишини, 155 нафари эса баъзан талаб этишини, 74 нафари талаб этмаслигини кўрсатган.

Дарҳақиқат, баъзи ўқитувчиларимиз янги мавзун баён қилишда ўзи гап тузишга эришиб, қоидага мос қилиб дарсликдаги гапни мисол қилиб доскага ёзилади. Мавзун мустаҳкамлашда, уйга берилган вазифани текшираётганда ўқувчига мазмундор, таъсирчан гап тузинг, деган талабни қўймайди. Ўқитувчи учун муҳими – бола тузган гап қоидага мос келсин, грамматик нуқтан назардан гапда эга, кесим, иккинчи даражали бўлақлардан бири иштирок этсин.

Ўқитувчи ҳар бир дарс жараёнида ўқувчи томонидан тузилган гапни эшитиши, таҳлил қилиши, экспрессивликни таъминлаш мақсадида дастлабки кезларда кўп бажариладиган машқ тури бўлиши сўз синонимларидан ўринли фойдаланишни уқтириб бориши лозим. Зеро, жозибали нутқ пухта ўйланган, самарали нутқий машқлар орқали юзга келади.

7-савол: «Тузилган гапни мазмундор, таъсирчан гапга айлантириш машқи ўтказилган дарсни эслай оласизми?» Жавоб вариантлари:

а) Ҳа; б) Йўқ.

Мазкур саволга 406 ўқувчининг 319 нафари «Ҳа» деб, 87 нафари эса «Йўқ» деб жавоб қайтарган.

Маълум бўлишча, она тили дарсларида ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда улар тузган гапни мазмундор, таъсирчан гапга айлантириш машқларини ўтказар экан. Лекин биз ўзимиз 5–6 йил мобайнида кузатган дарсларимизда бундай машқлар бажарилганининг гувоҳи бўлганимиз йўқ.

Нихоят, сўнгги 8-саволимиз: «Гапларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлиги нималар ҳисобига таъминланиши мумкин?» Жавоб вариантлари:

а) Фикрни аниқ ифодалаш;

б) Тилининг таъсирий-тасвирий воситаларидан фойдаланилганлиги;

в) Ўзбек тили имкониятларидан кенг фойдаланилганлиги;

г) Аниқ нарсалар, таниш кишилар, асар қаҳрамонларини, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни кўз олдимга келтириб фикр баён қилинганлиги;

д) Юқоридагиларнинг ҳаммаси.

406 ўқувчининг 74 нафари жавобларнинг А вариантини, 42 нафари Б вариантини, 38 нафари В вариантини, 111 нафари Г вариантини, 141 нафари Д вариантини танлаган. Маълум бўлишча, $74+42+38+111=265$ ўқувчи гапларнинг мазмундор ва таъсирчан бўлишини таъминлаш йўллари тўлиқ назарда тутмайди, масалага бир томонлама ёндашади.

Сўровнома натижалари она тили дарсларида ўқувчилардан назарий маълумотга доир мазмундор ва таъсирчан гап тузиб мисол келтиришни талаб этиб бориш, уларни шундай гаплар тузишга ўргатиш, шу мақсадда тегишли

билим, кўникма ва малакалар билан куроллантириш зарурлигини исботлаб берди.

Бугунги кунда она тили ўқитувчилари янги педагогик технологияни жорий этишга астойдил киришганлар. Буни улар қўллаётган интерфаол усуллар салмоғидан ҳам билиш мумкин. Лекин ушбу метод ва усуллар кўпроқ назарий маълумотларни ўзлаштиришга, сўз бойлиги билан боглик ўйинлар ўтказишга қаратилмоқда. Вахоланки, баъзан мазмундор ва таъсирчан гаплар тузиш бўйича беллашувлар ўтказиш ҳам мумкин.

Хуллас, айрим ўқитувчилар ўқувчилардан гап тузиш, қондага мос мисол келтириш вазифасини топширганларида, улар тузадиган гапларнинг мазмундор, таъсирчан бўлиши кераклигини алоҳида таъкидламайдилар, ушбу йўналишларда ўқувчиларга тегишли йўл-йўриklar бермайдилар. Шунинг учун ҳам юзлаб дарс соатларида ўқувчиларнинг қандай бўлишидан қатъий назар «шунчаки» топшириқ шартига кўра тўтри тузиб айтган гаплари билан қифояланадилар. Бунинг натижасида мазмундор, таъсирчан гаплар қандай тузилади, деган саволни кун тартибига қўймайгилар.

Айрим масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида она тили ўқитувчилари орасида ўтказилди.

«Она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш деганда нимани тушунасиз?» деган 1-саволга берилган жавоблар қуйидагича бўлди:

- а) оғзаки ҳикоя қилиш, баён ва иншо – 80 ўқитувчи;
- б) ўқувчиларни ўтилаётган мавзуга доир тил ҳодисаларини оғзаки ва ёзма нутқда қўллашга ўргатиш – 138 киши;
- в) бошқа имкониятлар (ўқитувчиларнинг ана шу имкониятларни ёзишлари кутилади).

1-саволга берилган жавоблардан маълум бўладики, ўқитувчиларнинг аксарият қисми она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш деганда ўтилаётган мавзуга доир тил ҳодисаларини оғзаки ва ёзма нутқда қўллашга ўргатишни тушунади, бинобарин, улар аниқ жавобни кўрсатишга муваффақ бўлганлар. 218 ўқитувчининг 80 нафари эса умумий, ноаниқ жавоб билан қифояланган. Чунки оғзаки ҳикоя қилиш, баён ва иншо янги олинган билимлардан фойдаланишни тақозо этмаслиги ҳам мумкин.

1-саволнинг учинчи – «в» жавобига ўқитувчилар бошқа имкониятларни ёздилар деб кутилган эди. Улар қуйидагиларни ёздилар: расм асосида гап тузиш (40 нафар ўқитувчи); мавзуга доир гап тузиш (36 киши); савол-жавоблар (35); тест (31); таассуротларини ёзиш (24); саёҳат (8); магн яратиш (22); сўз ўйинлари (24); сўз бойлигини ошириш (4); тарқатма материаллардан фойдаланиш (1); имло қондаларига мисол келтириш (3); шеърини парчани ёд олиш (4).

Кўришиб турганидек, нутқ ўстиришда фойдаланиш мумкин бўлган бошқа имкониятлар кўлами унча кенг эмас. Уларни она тили ўқитувчиларининг нисбатан оз қисми (40 тача ўқитувчи) тилга олганлиги эса масаланинг нечоғли жиддий эканлигидан далолат беради.

2-саволимиз: «Она тили» дарсликларида таҳлил учун берилган гапларнинг мазмундорлиги ҳақида қандай фикрдасиз?

- а) ҳамма гаплар мазмундор – 20 ўқитувчи;
- б) аксарият гаплар мазмундор – 115 киши;
- в) санокли гаплар мазмундор – 74 ўқитувчи;
- г) мазмундор гаплар йўқ даражада – 9 киши.

218 ўқитувчининг 20 нафари дарсликларда келтирилган мисолларни яхши ўрганиб чиқмаган, дарс жараёнида етарли эътибор бермаган кўринади. Чунки машқларда оддий, қўлбола тузилган гаплар ҳам бор.

115 киши ҳақиқатга яқин фикрда. Дарҳақиқат, амалдаги дарсликларда мазмундор гапларнинг кўп бўлишига алоҳида эътибор берилган. Лекин 74 ўқитувчининг баҳоси кескин айтилган. 9 кишининг «Она тили» дарсликларида мазмундор гаплар йўқ даражада, деган жавоби реал эмас. Биз бу ўқитувчилар билан суҳбатлашганимизда, уларнинг турли сабабларга кўра 3-4 йил дарс бермаганликлари, янги дарсликларни яхши ўрганмаганликлари маълум бўлди.

3-савол: Сиз ўз тажрибангизда ўқувчиларингиз тузаётган, қондага мисол қилиб келтираётган гапларнинг мазмундорлиги, таъсирчанлиги ва эмоционаллигига эътибор берасизми?

- а) ҳамма вақт эмас – 10 ўқитувчи;
- б) эътибор бераман – 178 киши;
- в) эътибор бермайман, қондага мос бўлса, шунинг ўзи қифоя – 30 ўқитувчи.

10 нафар ўқитувчининг ўз тажрибасида ўқувчилар тузаётган, қондага мисол қилиб келтирилаётган гапларнинг мазмундорлиги, таъсирчанлиги ва эмоционаллигига ҳамма вақт ҳам эътибор бермаслиги мактаблардаги реал, мавжуд ҳолатни ифода этади. 178 ўқитувчининг жавоби кишини қувонтирсада, бу қувонч юзаки бўлиши мумкин. Чунки амалий иш жараёни шунини кўрсатадики, ўқувчилардан мазмундор, таъсирчан гап тузишни махсус тизим тарзида, мунтазам ҳолатда талаб этадиган ўқитувчилар кўп эмас. Аслида бу масалага эътибор бермайдиганлар, айтилган гапларнинг қондага мос эканлиги билан қифояландиганларнинг салмоғи анча катта. Улар, юқорида кўрсатилганидек, 30 нафаргина эмас, балки кўпроқдир. Зеро, сўровнома саволларига тумандаги барча она тили ўқитувчилари қамраб олингани йўқ. Бу табиий бир ҳол.

4-саволимиз: Сиз она тили дарсларида ўқувчиларнинг ўтилган мавзу юзасидан келтирадиган барча мисоллари (тузадиган гаплар) мазмундор, таъсирчан, эмоционал бўлиши керак деган фикрга қандай қарайсиз?

Ушбу саволга берилган жавоблар:

- а) Бундай талаб ўқувчиларни мавзудан қалғитади, назарий билимларни эгаллашга салбий таъсир кўрсатади – 10 ўқитувчи;
- б) Барча мисоллар (тузиладиган гаплар) шундай бўлишини талаб этиш мумкин эмас – 8 киши;

в) Мен бу фикрга қўшиламан – 200 ўқитувчи.

218 ўқувчининг 10 нафаригина она тили дарсларида ўқувчиларнинг ўтилган мавзу юзасидан келтирадиган барча мисоллари (тузадиган гаплар) мазмундор, таъсирчан, эмоционал бўлиши керак, деган фикрга салбий муносабат ифодалаган. 8 ўқитувчининг жавоби мурасасозликдан далолат беради. Бундай қараганда, ўқувчилар келтирадиган барча мисоллар (тузиладиган гаплар) шундай бўлишини талаб этиш шарт эмас. Улар секин-аста шунга одатланадилар. Шунга кўра ҳам 218 ўқитувчининг 8 нафари тўғри жавоб берган. 200 нафар ўқитувчининг жавоби болаларнинг келгуси имкониятини назарда тутиб айтилган кўринади. Аслида ушбу жавоб бир қадар хато танланган. Аслида, ора-чора талаб этиб туришнинг ўзи ўқувчиларни мазмундор, таъсирчан гап тузишга йўналтиради.

5-савол: Ҳар бир дарсда мазмундор, таъсирчан, эмоционал гап тузиш устидаги ишлар ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини баён ва ишпога қараганда кўпроқ ўстиради деган фикр тўғрими?

Берилган жавоблар:

а) Тўғри – 208 ўқитувчи;

б) Тўғри эмас – 10 киши.

218 ўқитувчининг 208 нафари ҳар бир дарсда мазмундор, таъсирчан, эмоционал гап тузиш устидаги ишларнинг аҳамиятини тўғри баҳолай олган. Бу ерда изоҳга ҳожат йўқ. 10 киши хато фикр юритган.

6-савол: Ноаниқ нарсалар, одамлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида мазмундор гап тузиш мумкинми?

Танланган жавоблар:

а) Ҳа – 208 ўқитувчи; б) Йўқ – 10 киши.

Бу ўринда 5-саволнинг акси: 218 ўқитувчининг 208 нафари масаланинг моҳиятини чуқур англаб етмаган: фикр предмети ноаниқ бўлгач, у ҳақда ҳис-туйғуга тўлиб сўз юритиб бўлмайди. 10 кишининг мулоҳазалари тўғри.

7-савол: Мазмундор, таъсирчан, эмоционал гап қандай талабларга жавоб бериши кераклигини биласизми?

а) Ҳа – 102 ўқитувчи; б) Йўқ – 3 киши; в) Тахмин қиламан – 113 ўқитувчи.

Маълум бўладики, мазмундор, таъсирчан, эмоционал гап қандай талабларга жавоб бериши кераклигини билмайдиган, тахмин қиладиганлар кўпчиликини ташкил этади ($3+113=116$ киши).

8-савол: «Она тили» дарсликлариди тилнинг таъсирий ва тасвирий воситаларини ўргатиш юзасидан берилган мавзуларни эслаб ёзинг.

Биз 8-саволга кўпроқ жавоб кутган эдик. Берилган жавоблар озроқ бўлди: матн сарлавҳаси (64); тасвирий ифода (26); тақтид сўзлар (4); модел сўзлар (4); иборалар (25); диалог (3); сифат (3); бадиий услуб (12); ҳис-ҳаяжон гаплар (9); сўзнинг ўз ва кўчма маъноси (10); пукт (15); имло ва талаффуз (15); оддий тасвир (5); услублар (8); сўзлашув услуби (8); қиритмалар (4); сўзнинг шакл ва маъно турлари (7); синонимлар (6); ундов

гаплар (4); антонимлар (7).

Сўровномадан маълум бўладики, аксарият она тили ўқитувчилари пукт ўстиришдан кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни тўғри тушуниб, бу ишни янги ўрганилаётган тил ҳодисалари билан боғлайдилар; «Она тили» дарсликларидидаги машқ материалларида берилган мазмундор ва таъсирчан гапларни таълим жараёнида ҳисобга оладилар; ўқувчилар тузаётган гапларнинг мазмундор ва таъсирчан бўлишига аҳамият берадилар. Лекин улар тузиладиган гапларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлиги қайси омилларга кўра таъминланиши ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Буни «Ноаниқ нарсалар, одамлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида мазмундор гап тузиш мумкинми?» деган саволга жавоб қайтарганларнинг кўшлиги ҳам (208 ўқитувчи) кўрсатиб турибди.

Ўқитувчи ўқувчиларни мазмундор ва таъсирчан гап тузишга ўргатишда «Она тили» дарсликларидидаги машқ ва топшириқлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Зеро, уларда гап тузишга доир материаллар кўп.

Ҳ.Неъматов, А.Ғулломовлар бошчилигида яратилган **5-синф «Она тили» дарслиги**да [48] гап тузишга доир машқлар жуда кўп (масалан, 28, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37- ва бошқа машқлар). Шунингдек, ундан матн тузиш, расмга қараб ишпо ёзиш, расмга қараб ҳикоя тузиш каби машқ ва топшириқлар ҳам ўрин олган. Лекин айрим мавзуларни («Сўзнинг маъноси», «Маънодош сўзлар» ва бошқалар) иноватга олмаганда, юқоридаги машқ турлари мазмундор, таъсирчан гап тузиш талабига эга эмас.

«Жуфт сўзлар» мавзусини ҳам нутқнинг ифодалилиги билан боғлаш мумкин эди: «бахту саодат» каби жуфт сўзлар гапнинг ширадорлигини, таъсирчанлигини оширади. Лекин дарсликда масаланинг бу жиҳати очилмаган. «Такрорий сўзлар» мавзуси ҳақида ҳам худди шундай фикрдамыз.

Ҳ.Неъматов, А.Ғулломовлар бошчилигида яратилган **6-синф «Она тили» дарслиги**да [49] гап тузишга доир машқлар камроқ. Масалан, 9-машқ. Берилган шаклдош ўзақларга қўшимчалар қўшиб, от, сифат ва феъллар ҳосил қилинг, шу сўзлар ипгирокида сўз бирикмалари ва гаплар тузинг. (Оқ, ёт, ош, тош, кеч, тер, кул, ет). Ёт – Ёт кишиларни уйга бошлаб кирди. (10-бет). Бемор тўшақда чалқанча ётарди.

Юқоридаги «Она тили» дарсликларини таҳлил қилган методист олима Ҳ.Қурбонова уларнинг афзал томонларини таъкидлаш билан бирга қуйидаги камчиликка эътиборни қаратади: «...гап тузишга доир топшириқларнинг шартларида қўшимча равишда мазмундорликка ва таъсирчанликка, коммуникатив қийматга эътибор бериш талаб этилмайди» [74,112]. Бизнингча, бундай талабни дастлабки бир-икки машқ шартларида кўрсатиб ўтишнинг ўзи kiffoя қилади.

Н.Маҳмудов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи тузган **5-синф «Она тили» дарслиги**да [36] гап тузишга доир топшириқ ва машқлар анча. Масалан:

51-машқ. Уйга топшириқ. Жуфт сўзлар ипгирок этган гаплар тузинг,

уларнинг ёзилишига диққат қилинг.

Намуна: Ўғил-қизларимиз жаҳондаги бошқа миллат вакиллари билан қўшилишга бўйсун.

Бундай намуналар ўқувчиларни ижодий фикрлашга ундайди.

Н.Маҳмудов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи тузган **6-синф «Она тили» дарслигида** [37] гап тузишга доир машқлар кўп. Чунончи:

8-машқ. Нукталар ўрнига унли товушларни қўйиб турли хил сўзларни ҳосил қилинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

17-машқ. Қуйида берилган сўзларнинг имлосига диққат қилинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

22-машқ. *Кўзлар, янги, боғлар, ҳозир, гуллар* сўзларида урғунинг кўчиши билан сўз маъносининг ўзгаришига диққат қилинг, улар иштирокида гаплар тузинг. Намуна: Боғдаги гуллар анвойи ҳидлар таратади. Балки, бу олма ҳам эрта-инди гуллар.

25-машқ. Икки гуруҳга бўлишиб, мусобақа уюштиринг. *Ер, ой, осмон, юлдуз, очик, умр* сўзларини биринчи гуруҳ ўз маъносига, иккинчи гуруҳ кўчма маънода қўллаб гаплар тузсин ва изоҳласин. Намуна:

1-гуруҳ – *Қоронги осмонда тўлиқ ой чарақлади.*

2-гуруҳ – *Навоий 1441 йилнинг февраль ойида таваллуд топган.*

22-, 25- ва бошқа шу каби машқларда берилган намуналар ўз мазмуни ва ишлатилган сўзлари билан ўқувчиларни мазмундор ва таъсирчан гаплар тузишга ундаши табиий.

Бундай машқлар дарсликда жуда кўп берилган: 67, 84, 85, 88, 92, 100, 110, 118, 120- ва бошқалар.

Дарсликдаги аксарият дарслардан матн тузишга доир машқлар жой олган. Чунончи, 2, 15, 23, 27, 49, 62, 72, 77, 81, 90- ва бошқа машқлар. Уларнинг айримлари (15-, 27-, 150- ва бошқалар) тавсия этилган расм асосида бажарилади.

Маълум бўладики, бугунги кунда амалда бўлган 5–7-синф «Она тили» дарсликларида гап ва матн тузишга доир машқ ва топшириқлар кўпчилиги, уларнинг айримларидаги намуналар ўқувчиларни мазмундор ва таъсирчан гаплар тузишга ундаш учун хизмат қилишини алоҳида мамнуният билан эътироф этиш лозим. Лекин бу машқ ва топшириқлар шартларида мазмундор ва таъсирчан гаплар тузиш кераклиги бир машқ ёки топшириқ мисолида бўлса-да, таъкидланса, айни муддао бўлар эди.

Н.Маҳмудов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи тузган 6-синф «Она тили» дарслигида айрим мавзулар юзасидан берилган қуйидаги назарий маълумотларда экспрессия ифодаловчи воситаларга ишора бор:

Баъзан феъл асосида орттирма нисбат ҳосил қилувчи бирдан ортик кўшимчалар қўшилиши мумкин. Масалан, *ўқит – ўқиттир – ўқиткиз. тўлдир – тўлдиргиз, ёздир – ёздиртир*. Шундай ҳолатда орттирма нисбат маъноси кучаяди (40-бет).

Феълнинг замон, шахс-сон кўшимчаларисиз қисми II шахс буйрук-истак

майлини ифодалайди. Бу қисмга буйрук-истак маъносини кучайтириш учун *-ин* кўшимчасини қўшиш ҳам мумкин, шунинг учун бу икки шакл маънодош саналади (86-бет).

Шарт майл *эди, экан* тўлиқсиз феъллари билан келганда орзу-истак маъносини билдиради, *-са эди* шакли баъзан *-сайди* тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади. Шарт майли шакли *керак* сўзини олиб келганда, тахмин-гумон маъносини билдиради (89-бет).

Юкоридаги уч назарий маълумотда маънони кучайтирувчи воситалар таъкидланган бўлиб, уларни мазмундорлик ва таъсирчанликни юзага келтирувчи воситалар сифатида таништириш ва ўргатиш мумкин.

Н.Маҳмудов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи тузган **7-синф «Она тили» дарслигида** ҳам [39] 6-синф дарслигидаги каби назарий маълумотлар мавжуд. Чунончи:

46-дарс. Ёрдамчи сўзлар мустақил сўзларни ёки гапларни бир-бирига боғлаш, уларнинг маъноларига кўшимча маъно юклаш *вазифаларини* бажаради (58-бет).

74-дарс. Гапнинг маълум бир бўлаги ёки гап маъносини кучайтириб, таъкидлаб келувчи юктамалар кучайтирув-таъкид юктамалари ҳисобланади (92-бет).

«Она тили» дарсликларидаги гап тузишга доир машқ ва топшириқлар, маънони кучайтирувчи воситалар тилга олинган назарий маълумотлар ўқитувчиларнинг ўқувчиларни мазмундор ва таъсирчан гап тузишга ўргатишларида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада она тили таълимига доир **ўқув-методик мажмуалар** ҳам тегишли йўриқларга эга бўлмоғи ҳам лозим.

«Ўзбек мактабларида она тилини ўқитиш концепцияси» да узлуксиз она тили таълимининг V–IX синфлар босқичи қуйи синфларга нисбатан тадрижийлик ифодаси сифатида нутқ маданиятини такомиллаштириш босқичи деб аталганлиги эътиборга лойик.

«Она тили» давлат таълим стандартида: «Она тили таълими олдида қўйилган ижтимоий буюртма ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив саводхонликни ривожлантиришга ўргатишдан иборат», – дейилади [14, 47]. Стандартда: «Оғзаки ва ёзма нутқда сўзларни функционал услубларга мансублигини билган ҳолда қўллашлари, синоним, омоним, пароним, ундов сўзларни, аргон ва жаргон сўзларни, ибораларни ишлатишлари, уларнинг услубий имкониятларини, услубий бўёқдорлик даражасини билишлари...» талаб этилади [14, 53]. Лекин бу ерда нутқ маҳсулининг мазмундор, таъсирчан бўлиши кераклиги ҳақида таъкид этилмайди. Бундай таъкид «Она тили» ўқув дастурида ҳам бўлгани маъқул.

Шундай қилиб, 5–7-синф она тили дарсларида назарий маълумотлар устида ишлаш жараёнида мазмундор ва таъсирчан гаплар тузиш учун тегишли лингвистик ва методик шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, улардан

фойдаланиш учун ўқитувчи ана шундай шарт-шароитларни белгилаб чиқиши ва дарсликлардаги гап тузиш талаб этиладиган машқ ва топшириқлар шартига қўшимчалар киритиш орқали зарур таълимий чораларни рўёбга чиқариши мумкин.

Тузилаётган гапларнинг мазмундорлиги тингловчига у қутган ахборотни тўлароқ, аниқроқ етказа олишида, фикрнинг тугал тарзда ифодаланишида ўз ифодасини топиб, бундай гапларда, методик адабиётларда таъкидланганидек, иккинчи даражали бўлақлар сони кўпроқ бўлади. Таъсирчанлик сўзловчини диққат-эътибор билан тинглаш учун қаратишга хизмат қиладиган таъсирий-тасвирий, эмоционал-экспрессив воситалардан фойдаланиш, шунингдек, жумлага фикр субъективнинг руҳиятини аке эттирган ҳолда хис-туйғу ифодаловчи сўз шакллари киритиш, чиройли сўзлаш, ўз нутқига ибора ва таъриф-таъсирлар қўшиш орқали таъминланади.

2-БОБ

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЖАРАЁНИДА НУТҚ ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ ўстиришнинг лингвистик асослари (таълим мазмуни)

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим ва тарбиясида сўзли-манتيкий ва

образли тафаккури ривожлантириш, улар онги ва қалбига миллий маънавият ва миллий мафкура туйғуларини сингдириш муҳим ўрин тутди. Шу боис она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқи лексик ва грамматик жиҳатдан муттасил ўсиб бормоғи, нутқий маданияти етарли даражада шаклланмоғи лозим, бусиз ўз она тилининг чинакам соҳиби деган тушунча ҳам бирор маънога эга бўлмайди. Бунинг учун эса тилдан, унинг бор имкониятларидан бемалол ва мақсадга, нутқий вазиятга ўта мувофиқ тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган билимлар, кўникма ва малакалар мажмуига эга бўлиш даркор.

Дарҳақиқат, она тили дарсларида ўқувчиларда тилнинг ифода воситаларидан нутқ жараёнида самарали ва унумли фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш, уларни бадний (образли) фикрлашга, тафаккур қилишга ўргатиб бориш орқали тузиладиган гапларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигини оширишга эришиш мумкин. Зеро, таъсирчан сўзлаш фикрлашдаги ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Психолог олим Э.Гозиевнинг фикрича ҳам, «Болаларда таажжуб, ҳаяжон, эҳтирос каби интеллектуал ҳисларнинг пайдо бўлиши тафаккурнинг ўсишидан далолат беради» [77,19]. Она тили дарсларини шу даражага етказиб ташкил этишда муайян ёндашув ва тамойилларга амал қилинади, албатта.

Она тили дарсларида нутқ ўстириш мазмуни масалалари бир қатор хориж методист олимларининг (Л.П.Федоренко, А.В.Текучев, Т.А.Ладженская ва б.) асарларида, ўзбек методист олимларининг (Х.Неъматов, Й.Абдуллаев, А.Қ.Ғуломов, Р.Сафарова, Ш.Юсупова, Т.Зиёдова, Т.Юсупова, Х.Қурбонова) методик қўлланмалари ва тадқиқот ишларида ёритилган.

Бугунги кунда мактаб она тили таълими мазмунини белгилашда коммуникатив ёндашувга алоҳида эътибор билан қаралмоқда [56]. Коммуникативлик нутқ маданиятини, муомала одобини амалий мақсадларда эгаллашга доир ёндашувлардан биридир. Бунинг моҳияти шундаки, сўзловчи тингловчига ахборот бериш билан бирга, унга қандайдир таъсир ўтказади: ўз сўзига ишонтиради, унга бирор масалада далда беради, руҳини кўтаради, бирор ноҳўя хатти-ҳаракатдан қайтаради ва ҳоказо. Гапларни мазмундор ва таъсирчан қилиб тузишга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида ана шу коммуникатив жиҳатларни рўй-рост амалга ошириш мактаби ўталади. Бунда илгаридан амалий ўзлаштирилган грамматик воситаларни юзага келган янги нутқий вазиятларда қўллаш машқи осон бажарилса-да, ҳали нотаниш, уларнинг нутқига етарлича сингиб улгурмаган тил фактларини янгидан ўрганиш ва мустаҳкамлаш зарур бўлади.

Деярли ҳар бир она тили дарсида ўқувчилардан ўз нутқ маҳсулини яратиш талаб этилади: 1) ўқитувчининг талаби билан улар қондага мос мисол келтирадидилар; 2) топшириқ ёки машқ шартини бажарадидилар; 3) баён ёки ишро ёзадилар, оғзаки ҳикоя қиладилар. Ўтилган ёки янги ўрганилган маззуга оид мисоллар топиш (гап айтиш ёки тузиш) энг кўп тарқалган, ҳар

кипи ҳам бирданига узундан-узун килиб тилаклар билдира олмайди. У бошқалардан эпитанларини эслаб қолиб айтиш йўлини ҳам танлайди, ўзи ҳам шу ҳақда ўйлаб юради. Аста-секинлик билан маҳорат чўққисини эгаллайди. Ёки даврани олиб борадиганлар ҳам дастлаб гапирадиган сўзларини ёзиб оладилар, баъзан кўчирмакашлик қиладилар.

Мазмундор ва таъсирчан гапиришнинг ўз ўрни бор, албатта. Одам уйда оила аъзоларига бир хил гапирди, кўча-кўйда, ишхонада бошқача, меҳмондорчиликда, тўй-тантаналарда яна ҳам бошқачароқ сўзлайди. Кейингиларида жозибали нутқ соҳиби эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Методист олим Й.Абдуллаев ўзининг «Сўз ишлатиш ҳақида» деган мақоласида таъкидлашча, «Нутқнинг (оғзаки ва ёзма) таъсирчанлигини оширишда сўзни ўз ўрнида танлаб ишлатишнинг алоҳида аҳамияти бор. Ўз ўрнида ишлатилган ҳар бир сўз, бир томондан, тушунчани аниқ ифодалашга хизмат қилади, иккинчи томондан, услубий равангликни таъминлайди» [4, 3]. Биз муаллифнинг фикрига гап (нутқ)нинг мазмундорлигига, таъсирчанлигига эришиш учун сўзни, сўз шакллари саралаб, фарқлаб, нутқ шароитига мослаб қўллаш керак, деб кўшиб қўйган бўлардик, чунки услубий равангликнинг ўзи самарали мудоқот учун етарли эмас.

Мазмундорлик, таъсирчанлик ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланишга бориб тақалади. А.Ҳ.Арипова нутқнинг жозибали чиқиши масалаларини тадқиқ этар экан, эътиборни лексик, морфологик, синтактик, бадиий воситаларнинг уйғун келишига қаратади. Чунончи, у нейтрал сўзлар ўрнида бўёқдор сўзларни ишлатиш, маънони бўлтириш мақсадида жуфт сўзли синтактик конструкциялардан фойдаланиш, уюштиқ бўлакли синтактик конструкцияларни қўллаш кабилар нутқнинг таъсирчанлигини оширади, маънони кучайтиради, деган аниқ тавсиялар баён этади [9, 9].

Й.Абдуллаев нутқнинг таъсирчанлиги масалаларига қайтар экан, бунга эришиш йўлида фойдаланиладиган воситаларга кенгрок назар таштайди. «Нутқнинг салоҳиятини кучайтирувчи тасвирий воситалар турли-туман бўлади. Бундай воситаларнинг сўзни кўчма маъноларда қўллаш билан боғлиқ бўлганлари бир умумий ном билан мажоз деб юритилади. Мажознинг қўл қўлланадиганлари: сифатлаш, метафора, қиёслаш, метонимия, синекдоха, муболага, бадиий ифодалардир. ...Синтактик ҳосил қилинадиган тасвирий воситалар услубий шакллар деб юритилади. Услубий шакллар инверсия, антитеза, анафора, риторик сўрок, риторик ундалма ва ҳоказолардир» [3, 6]. Маълум бўлишича, таъсирчан гап тузишга доир билимлар елғиз она тили дарсларида ўтиладиган мавзулар бўлибгина қолмай, адабиёт дарсларида ўрганиладиган маълумотлар билан чамбарчас боғланиб кетади, шу маълумотлар билан интеграцияланади. Е.Н.Колокольцев адабий асар тили ҳақида гапириб, мажоз билан услубий шаклларни бир-биридан ажратган ҳолда уларни қуйидагича фарқлайди:

Адабий асар тили [26, 106]

<i>Тасвирий воситалар:</i>	<i>Ифодалилик воситалари:</i>
Эпитет, ўхлатиш, истиора, муболага, жонлаштириш, аллегория	Риторик сўроқлар, ундалма, инверсия, антитеза, хитоб, такрор

Она тили дарсларида тасвирий воситалар ҳам, ифодалилик воситалари ҳам янги мавзулар сифатида ўрганилмайди, балки адабиёт дарсларида олинган билимлардан уларни эсга тушириш йўли билан фойдаланилади.

Ўқувчилар мазмундор, таъсирчан гаплар тузиш учун она тили, шунингдек, адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган билимларга мурожаат этишлари керак. Бу борада В.А.Ачкасовнинг қуйидаги фикри эътиборга лойиқ: «...нутқ ўстириш ишида грамматика кетидан эрганиш эмас, балки ўқувчининг жонли нутқ савиясига жавоб берадиган грамматикани ўрганиш зарур» [11, 10]. Тилнинг таъсирий-тасвирий воситаларини, айниқса, экспрессия ифодаловчи лексикаси ва айрим кўшимчаларини ўрганишни аниқ шу савия тақозоси деб ҳисоблаш мумкин.

Умуман, нутқ маданияти устида олиб бориладиган ишларда она тили ва адабиёт дарслари ўртасида ўқув фанлариаро алоқа жиддий тарзда йўлга қўйилиши шарт. Нутқнинг таъсирчанлиги тилшуносликда нутқ маданияти билан боғлиқ равишда назарий жиҳатдан ёритилган ишлар ҳам бор. Бу борада рус тилшунослигида Б.Н.Головининг «Основы культуры речи» [13], Л.Г.Смирнованинг «Культура русской речи» [57], Л.А.Тростенцованинг «Обучение русскому языку в школе как целенаправленный процесс (морфологический аспект)» [62] китоблари алоҳида ажралиб туради.

Л.П.Федоренконинг таъкидлашча, «Нутқда турли хил эмоционал туйғулар, умуман, экспрессия интонация, оҳанг, экспрессив морфемалар, юстамалар, лексик синонимлар, сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши (мажоз, истиоралар), гап қурилмасининг экспрессив тузилиши воситасида ифодаланади» [66, 17]. Гап қурилишининг экспрессив тузилиши лексик воситалардан ташқари, грамматик воситалар ёрдамида ҳам таъминланади. Лекин айни қайси грамматик воситалар шу мақсад учун хизмат қилиши мумкинлигини ўқувчилар аниқ билмайдилар.

Л.П.Федоренко ўз изоҳларини давом эттириб, бундай дейди: «Маълумки, нутқда хабарга таъсирчанлик қўшилади. Сўзловчи хабар берибгина қолмайди, балки у ушбу ахборотга бўлган ўз муносабатини ҳам ифода этади, экспрессия намоён этади. Бу нарса муайян тил воситалари ёрдамида амалга оширилади. Демак, таълим жараёнида ушбу экспрессивлик воситаларини ўзлаштириш нутқ таъсирчанлигини ўрганиш мазмунини ташкил этади» [66, 17]. Аёнки, ўқувчини таъсирчан гапнинг қандай юзага келтирилиши билан ҳам таништириб бориш лозим.

М.Омилхонова таъкидлаганидек, «Ҳар бир дарсада она тилининг ифода воситаларини, уларнинг нутқдаги ўрни, аҳамиятини аён қилиб бориш орқали ўқувчиларнинг грамматиканинг ҳаёт билан боғлиқлигини англаб

олишларига, уни онгли ўзлаштиришларига эришилади» [55,9].

«Обучение русскому языку в 7 классе» қўлланмасида 7-синфда у ёки бу морфологик ҳодисанинг гапдаги ва, айниқса, матндаги функцияси билан боғлиқ равишда семантикаси масалаларига эътибор кучайтирилганлиги уқтирилади, семантика ва функция йўналишида морфологик шакллар бирма-бир қараб чиқилади [54,51].

Х.Насматовнинг тушунтиришига кўра, «Тил бирликларидан ижодий фойдаланиш, бир томондан, нутқни ранг-баранг қилиш, иккинчи томондан, яқка шахс нутқидан тортиб услубларнинг ўзига хослигини вужудга келтириш имконини беради. Шундай қилиб, нутқ бирликларида тил имконияти реаллашади» [47,26].

Юқорида келтирилган фикрларда ҳам таъсирчанликни таъмишловчи воситаларни ўрганишга давват этилмоқда.

«Она тили» давлат таълим стандартида ўқувчиларнинг «Оғзаки ва ёзма нутқда сўзларни функционал услубларга мансублигини билган ҳолда қўллашлари» [14,53] кераклигига доир талабнинг моҳиятига тўхталадиган бўлсақ, дарсларда услуб турларини эгаллашга қаратилган машқ ва топшириқларга етарли ўрин ажратилиши лозим. Лекин, эътироф этиш керакки, сўз бойлиги жадал ошаётган, шаклланаётган 5-, қисман 6-синф ўқувчиси учун бир йўла икки вазифани: ҳам янгидан-янги сўзлар билан танишиш, ҳам уларнинг услубий мансублигини била бориш бирмунча қийин вазифадир. Кузагишлардан маълум бўлишича, айрим сўзларнинг услубий хослиги тил ҳисси билан ҳам эгалланади.

Ўзбек тилшунослигида нутқда экспрессивликни таъмишлайдиган грамматик воситалар атрофлича ёритилган. Ана шу маълумотлардан фойдаланган ҳолда 5–7-синф она тили дарсларида ўрганиладиган мавзулар доирасида ўқувчиларга қайси эмоционал-экспрессив воситалар ҳақида тушунча бериш мумкинлигини тахминан белгиллаб чиқишни лозим деб топдик.

«Она тили» дастурида белгиланган, дарсликларда берилган мавзулар доирасида мазмундор ва таъсирчан гап тузиш учун зарур бўладиган билимлар мундарижасини ишлаб чиқиш мумкин.

5-синф «Она тили» дарслиги шу синфда сўз туркумларини, уларга доир морфологик шаклларни ўрганиш жараёни билан боғлаб қуйидаги воситалар устида иш олиб бориш имконини беради:

Кўп маъноли сўзлар, маънодош сўзларнинг экспрессив имкониятлари таъкидлаб борилади. Б.Тўхлиев, М.Шамсиева, Т.Зиядова муаллифлигида яратилган «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» китобида [63] «нутққа алоҳида аниқлик, ифодалилик, таъсирчанлик бағишлайди» деган таъкид асосида синонимлар (70–71-бетлар), зид маъноли сўзлар (74–75-бетлар) ҳақида сўз юритилади, морфологиянинг «нутқий маданият»ни (83-бет) шакллантиришдаги хизмати уқтирилади.

Сўзнинг кўчма маъноси адабиёт дарслари билан интеграцияланган

ҳолда ўрганилгани маъқул. М.Йўлдошев шу муносабат билан кўчимлар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритган. У бундай дейди: «Хар қандай бадний нутқ назариясида кўчимлар марказий фигура сифатида қаралади, чунки кўчимларнинг аксарияти бадний нутқда эмоционаллик, экспрессивлик, таъсирчанлик, образлилик каби муҳим сифатларни беради» [21, 16].

Н.Д.Молдавская ўхшатишга мурожаат этишнинг психологик омишларини қуйидагича изоҳлайди: «Сўзли бадний тимсоллар билан фикрлаш қобилияти шахсий ижодий фаолиятда ҳам, ҳамма вақт ижод унсурларига эга бўлган репродукциялашда ҳам намоён бўлади. Худди мана шунинг учун ҳам умумий қобилият деб тушунилувчи сўзли бадний тимсоллар билан фикрлаш фаолияти моҳиятан ёрдамида хусусий адабий қобилиятлар структураси вужудга келтирилиши мумкин бўлган асосий структура яратувчи пайт ҳисобланади» [44, 22]. Демак, сўз туркумларини ўрганишда айрим сўзларнинг тимсол яратиш хусусиятлари ҳам эслатиб ўтилгани маъқул. Бундай сўзлар ҳатто ўзининг тўғри маъноси билан қўлланган тақдирда ҳам эстетик бутунлик бўлган яқлит бадний асар матни таркибида бошқа сўзлар билан фақат семантик-грамматик жиҳатдангина эмас, балки ҳиссий-эстетик жиҳатдан ҳам муносабатда бўлади.

Зид маъноли сўзларнинг мазмундор, таъсирчан гаплар тузишдаги аҳамиятини ўқувчиларга тушунтириб, мисоллар асосида кўрсатиб ўтиш зарур. Чўлпон ижодида зид маъноли сўзлар қатта ўрин тутди. М.Йўлдошевнинг таъкидлашича, у тушунчалар, белгилар, ҳолатлар, образларни таъкидлаш ниятида от, сифат, равиш, феъл туркумларига оид «зид маъноли сўзлар асосида юзага келтириладиган тазод, зидлантириш, қаршилангириш санъатининг бетақрор намуналарини яратган» [21, 10].

Иборалар моҳиятан экспрессивлик ифодалайди. Шунинг учун ўқувчиларни сифат ёки феъл ва ибора маънодошлиги билан таништириш ишени гапдаги ажратилган сўзни иборалар билан алмаштиришга доир машқлар тарзида тавсия этиш мумкин. 5-синф «Она тили» дарслигига ёзилган «Ўқитувчи китоби» да тавсия этилишича, **291-машқ** ўқувчи нутқий малакасини шакллантиришга мўлжалланган бўлиб, уни бажаришда чап ва ўнг томонда берилган сўзлар ва сўз бирикмалари ўзаро қиёсланади, ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланади. Намуна:

гапирмади	лом-мим демади;
тоза	ёғ туپса ялағудек;
ювош	қўй оғзидан чўп олмаган;
рахмдил	кўнгли бўш.

Машқни бажариш ўқувчининг нутқда турли иборалар ва тасвирий воситалардан фойдалана билиш имкониятларини кенгайтиради [17, 107].

Тасвирий ифодалар мазмундорликни оширишда, таъсирчанликни кучайтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун дарсликдаги ушбу мавзу таълим мазмунида ўзгача ўрин тутди. Масалан, *жўхори*, *пахта*, *қўмир* каби сўзлар иштирокида бу сўзларни тасвирий ифодалар билан алмаштириб гап

жуфтликларини тузиш машқи ўтказилади: *Жўхори сарғиш попуғини чиқарди. Дала жаликаси кўгирчоқнинг сочларидай попуғини чиқарди.*

Сларнинг чегаралаш, ўхшатиш, қарашлилик, ўрин шакллари, кичрайтириш ва эркалан шакли билан боғлиқ мавзулар ўтилаётганда ушбу шаклларнинг таъсирчан гаплар тузишдаги роли очиқ берилмоғи лозим. Масалан, ўхшатишлар кўчимларнинг бир тури. Улар айиқдай қуюл, қўйдаи ювош, тулкидай айёр, пахтадай оқ, тошдай қаттиқ каби отнинг ўхшатиш шакллари (-дек, -дай) қатнашган сўз бирикуви ёрдамида ҳосил қилинади.

А. Абдуллаевнинг таъкидлашича, ўзбек тилида маълум кўшимчалар экспрессивликка бойдир [2, 4–10]. Масалан: турли субъектив муносабат ифодаловчи *-жон, -гина* кўшимчалари; (4-бет); *Айланаб кетай дарозгинамдан* (О. Ёкубов); *Аяжон, ...аяжонгинам* (З. Фатхуллин). *...Акажон, жо-он ака...* (Мирмуҳсин); ҳатто от бўлмаган сўзларга ҳам кўпилиб маънони кучайтирувчи *-лар* кўшимчаси: *Қанчалар кутдирдинг* (Сўзлашувдан). *Шунчалар қийнайсанми?* (Сўзлашувдан); сўзловчининг воқеликка турли муносабатини ифодаловчи эгалик, шахс-сон, замон кўшимчалари: *Кенжастойингиз қани? ...ёрдан берса бўлмайдим* (О. Ёкубов). *Ҳа, болам, қолақол, чирозим...* (Ч. Айтматов). *Энди гапнинг очиги бошда биз онадан чала тугилган эканмиз* (О. Ёкубов). *Нима бало, оғизларига талқон солиб олдиларми... бошлари оғриб қолмадими?* (О. Ёкубов).

Бизнингча, сўзловчи юқоридаги каби воситаларни билган тақдирдагина мазмундор ва таъсирчан гап тузиш вариантлари ҳақида ўйлайди.

От билан боғлиқ мавзулар ўтилаётган дарсларда субъектив муносабат ифодаловчи *-жон, -хон* каби кўшимчалар ҳақида гапириш ўринли бўлади.

Феълнинг бўлишсиз шакллари маълум қўлланиш ҳолатларида кесимдан аниқлашилган маъно тасдиғини кучайтирган ҳолда экспрессивлик ифодалаш учун хизмат қилади. Чунончи:

1) *-ма* кўшимчасининг гапнинг кесими таркибида қўша қўлланганда: *бажармай қўймайман, тезлаштирмасан бўлмайди* каби;

2) *-ма* кўшимчаси, умуман, гап таркибида қўша қўлланса ва гапнинг кесими инкор шаклдаги *тоғимок, қолмок* каби феъллар билан ифодаланса, «ҳамма», «ҳар» каби маъноларга зътибор кучайтирилади: *кўрмаган киши қолмади — ҳамма кўрди, ёлмаган кун бўлмайди — ҳар кун ёғади* [2,10];

3) икки бўлишсиз маънодаги (сабаб-натига муносабатидаги) ҳаракат қарши қўйилганда, экспрессивлик акс этади: *Девлар ўлмади, биз кутулмадик* каби;

4) *-гунча* (*-кунча, -қунча*) кўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинган равишдош бўлишсиз шаклда қўлланганда: *келмагунимча тинчимайсиз, тинчлик ўрнатмагунча курашамиз* каби; (Тасдиқ ва инкор формалардаги семантик ўзгаликларни равишдошнинг бошқа турларида ҳам кўриш мумкин [2,11]).

5) III шахс буйрук-истак майлдаги феъл тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими бўлиб келганда маънони таъкидлайди, масалан: *Қим нима деб лақаб*

қўймасин, Гоши бу гапларнинг ҳаммасини ҳазил, аския деб тушунди (И. Раҳим);

6) шарт майлдаги феъл бўлишли ва бўлишсиз феъл + ҳам бирикмаси шаклида зидланиб такрорланса, тасдиқ кучаяди: *борсам ҳам бораман, бормасам ҳам бораман* каби;

7) сифатдошга бирикиб келган бўлмоқ феълнинг бўлишсиз шакли *яна, тагин* сўзлари билан биргаликда тахмин маъносидаги тасдиққа ишора қилади: *кутиб қолган бўлмасин яна (тагин)* каби;

8) диалогик нутқда бўлишсиз шаклдаги феълдан олдин *йўқ, ҳа* сўзлари келганда инкор маъноси кучаяди: *«Йўқ, билмайман!», «Ҳа, билмайман!»* каби;

9) бўлишсиз феълнинг *-гани* йўқ шакли иш-ҳаракатнинг юзага чиқмаганлигини таъкид йўли билан ифодалайди ва рад жавобини кучайтиради: *кўрганам йўқ* каби; бундай гапларда *ҳазилакам, озмунча, чакана, ...-дай* ҳам каби сўз ва грамматик шакллар қатнашган гапларда *йўқ* сўзи воқеа-ҳодисанинг юқори даражада содир бўлганини ифодалайди: *Сен учун ҳазилакам гап эшитганим йўқ* (Сўзлашув).

10) бўлишсиз шаклдаги гумон феъли *эмоқ* тўлиқсиз феъли билан биргаликда диалогик нутқда экспрессивлик ифодалайди:

— *Борасанми?*

— *Нега бормас эканман!*

От (кенг маънода) + *ёқда турсин* моделида тузилган конструкциялар кескин инкор маъносини ифодалайди ва шу билан бирга ўздан кейин келадиган гапнинг ҳам инкор формада ва инкор маънода бўлишига ишора бўлади: *Мирза-чи! У бу ишларга аралашини у ёқда турсин, бирортасини тушулмайди* ҳам (А. Мухтор).

Инкорнинг лексик-грамматик усулда ифодаланиши деганда шу маънонинг *йўқ, эмас, на* сўзлари ёрдамида акс эттирилиши тушунилади [2,12]. Ўтган замон феълнинг бўлишсиз шакли (*-гани йўқ*), ҳозирги замон феъли (*-моқда, -(а)ётир* кўшимчалари), келаси замон феъли (*-р, -ар* кўшимчалари) маънони кучайтириш хусусиятига эга. Масалан: *Мирза бу ишларга аралашмади. — Мирза бу ишларга аралашгани йўқ. Оромгоҳларда болаларнинг дам олишлари режа бўйича ўтмапти. — Оромгоҳларда болаларнинг дам олишлари режа бўйича ўтмоқда. Тинчлик барқарор бўлади. — Тинчлик бўлар барқарор.*

Соф (асл) кўмакчилар, кўмакчи вазифасидаги сўзлар, от кўмакчи мавзуларини ўтишда уларнинг китобий шаклларида диққатни қаратиш мумкин. Зеро, «...кўмакчи воситасида ҳосил бўлган бирикмалар тилимизнинг бой ифода воситаларини намоён қилиб, нутқни бойитиши, силлиқлайди, ифодалиликни оширади» [5,3].

Жуфт ва такрорий сўзларнинг таъсирчан гап тузишдаги аҳамиятига тўхталиш лозим. **Такрорий сўзлар** маънони кучайтириш хусусиятига эга: *катта-катта* кадамлар, *тоғ-тоғ* пахталар, *баланд-баланд* уйлار каби.

Оглашган сифатлар -нинг кўшимчаси ёрдамида (*доноларнинг донеси*), равишлар -дан кўшимчаси ёрдамида (*камдан-кам*), сифатдошларнинг эгалик кўшимчаси ёрдамида (*ишлаганинг ишлаган*) экспрессия вужудга келтирилиши ўз ўрнида эслатиб ўтиш фойдалан холи эмас.

Жуфт ва такрорий сўзлар муносабати билан амалий тарзда лексик плеоназмларга тўхталिश мумкин (Бундай сўзлар бир-бирига тобе бўлмайди). М.Маҳкамов нутқнинг таъсирчанлигини вужудга келтиришда плеоназм ходисасидан фойдаланиш ҳақида сўз юритиб, ушбу тил ходисасини бундай изоҳлайди: «Лексик плеоназмлар оғзаки нутқда ва бадний адабиётда эмоционал экспрессиаликни ифодалашда муҳим роль ўйнайди» [34,11]. «Нутқий ортикчаллик плеоназм шаклида бўлиши мумкин. Плеоназм (юнон. Pleonasmus – ортикчаллик) кўп ҳолларда тенг маъноли (бир хил маъноли) элементларнинг «ортикча» қўлланишидан ҳосил бўлади» [34,6].

М.Маҳкамовнинг таснифига кўра такрорланаётган элементларнинг турига қараб, плеоназмни: «1. Лексик плеоназмлар; 2. Семантик плеоназмлар; 3. Аффиксал плеоназмлар; 4. Лексик-аффиксал плеоназмлар; 5. Синтактик плеоназмларга ажратиш мумкин» [34, 10]. Масалан, *кўтак ит, туз намак, декоратив безак, кузатувчи инспектор, информация хабарлар, интервал орашиги; оёқ билан тепмоқ, кўз билан қарамоқ, қари чол, махфий сир* ва б.

6-синфда «Она тили» дарслиги асосида ўтиладиган қуйидаги мавзулар мазмундор гап тузиш устида иш олиб бориш имконини беради:

6-дарс. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар. От ва сифат туркумига оид сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши мисоллар асосида ўқувчилар ёдига туширилади.

25-дарс. Фейл. (Фейлнинг бўлишсиз шакли.) Ушбу дарсда 5-синфда фейлнинг бўлишсиз шакли билан боғлиқ ўтилган эмоционал-экспрессив воситалар такрорланади.

32- ва 33-дарслар. Ортгирма нисбат. Фейл асосига ортгирма нисбат ҳосил қилувчи бирдан ортик кўшимчалар қўшилганда маъно кучаяди: *тўлдиригизди, ёздиртирди* каби.

36- ва 37-дарслар. Ҳаракат номи. Ҳаракат номининг ясалиши. Ушбу мавзуларни ўтишда ўқувчиларнинг эътибори **-моқ**, айниқса, **-мак** кўшимчасига қаратилади. Бу кўшимчалар маънони кучайтириш хусусияти билан ажралиб туради: *бажармоқ лозим, сўзига кирмак жоиз* каби.

45-дарс. Ҳозирги ва келаси замон сифатдошлари. **-ажак** шаклининг китобий нутққа хослиги, маънони кучайтириш учун хизмат қилиши дарсликдаги материалларга кўшимча равишда эслатиб ўтилади.

49-дарс. Равишдош ясовчи кўшимчалар талаффузи ва имлоси. Жуфт ҳолда қўлланиладиган равишдошлар маънони кучайтиради: *ийглай-ийглай* каби.

52-дарс. Кўмакчи феъллар. Кўмакчи феъллар мулоқотдаги қатъийликни юмшатади: *кел – кела қол, тўхта – тўхтаб тур* каби.

«Инкор маъносини таъкидлаш учун баъзан **-и** б **ёки** **-ма** + **й** формали

равишдош + бўлмақ феълидан тузилган конструкциялар ҳам қўлланади. Мисол: *қўйиб бўлма* (қўймайман), *кетиб бўлсан* (кетмайсан). Равишдош **-бўтти** (*бўлсан*) феълидан тузилган конструкциялар ўрни билан кучли инкор маъносини ифодалайди. Масалан, *Мени осонликча кетказиб бўлсан* (Ж. Абдуллахонов)» [2,19].

Равишдош + *кўрмоқ* феълининг буйруқ шаклида тузилган бирикмалар ҳам нутқда қатъий инкор маъносини ифодалайди. Бунда кўпинча улар **-чи** юктамаси билан бирга қўлланиб, инкор маъноси кесатиш йўли билан ифода этилади: *Подачисиз яшаб кўр-чи!* (И.Раҳим).

61-дарс. Жуфт феъллар. Бундай феъллар ҳам маънони кучайтириш учун хизмат қилади: *билса-билмаса, билиб-билмай* каби.

71-дарс. Ўтган замон шаклларида тўлиқсиз феълнинг ишлатилиши.

Эмас сўзи:

1) **Эмас** сўзи орқали «... кесими инкор формада келган гапларда бутун гапдан англашилган мазмун кучли тарзда инкор этилади»: *Бунга сен эмас, отанг ҳам эришолмаган* (Сўзлашув).

2) **Эмас** сўзи **-дан бошқа** (ўзга) каби конструкцияли гапнинг кесими таркибида келса, «ўзгинаси», «нақд ўзи» деган маъно кучайтирилади: *аниқроғи, -дан кўшимчасини олган от (кенг маънода) уни кучли даражада таъкидлайди: Элбой, Сизнинг бу чиқиндисиз шундай муътабар кишимизга ишонмаслик, тўғриси айтганда, қуруқ тўхматдан бошқа нарса эмас* (З. Фатхуллин).

88-дарс. Жуфт ва такрорий отлар имлоси. Такрорий отлардаги маънони кучайтириш хусусияти: *тоғ-тоғ хирмонлар* каби.

111-дарс. Отларнинг кичрайтириш ва эркалаш шакллари. Отларнинг бундай шакллари субъектив баҳо шакллари деб ҳам юритилади.

121-дарс. Жуфт сифатлар ва уларнинг имлоси. Жуфт сифатларнинг маънони кучайтириш хусусияти: *Менга ўхшаш эсли-хушли йиғитга зориқиб ўтирган экан!* (Х.Тўхтабоев).

122-дарс. Такрорий сифатлар ва уларнинг имлоси. Бундай сифатларнинг экспрессия ифодаланиши: *Сайёҳлар чаққон-чаққон ҳаракатлар билан қирга кўтарила бошлади* (А.Абдусаматов).

126-дарс. Сифатларнинг ортгирма даража шакли. Айрим ортгирма даража шакллари маънони кучайтириш учун хизмат қилиши: *Онамнинг исми Энаҳон, ниҳоятда кўнгулчан, заҳматкаш аёл* (Мухаммад Юсуф).

153-дарс. Равишларнинг ясалиши. Туб ва ясама равишлар. Жуфт ва такрорий равишларнинг маънони кучайтириш учун хизмат қилиши: *аста-аста, олис-олисларда*.

156-дарс. Қолат равишлари. Айрим қолат равишларининг бўёқдор бўлиб, китобий нутққа хослиги: *кўлқисдан, ногҳон* каби.

7-синф «Она тили» дарслигида ўтиладиган мавзулар қуйидаги

¹ Айрим мисоллар «Она тили» дарсликларида олинди.

воситалар устида иш олиб бориш имконини беради:

13- ва 14-дарелар. Айрим кўрсатиш олмошларининг таъсирчанлигини оширишдаги ролини англатиш: *ушибу, шундоқ, ушал, шул* кабилар.

15-даре. Кинишлик олмоши. Кесимдан кейин келган *мен* сўзи таъкидни ошираётгани ҳақида хулосага келинади. Шейрий асарда сўзлар жарагдорлиги таъкидлаб ўтилади.

16-даре. Ўзлик олмоши. Ўз сўзининг таъкид йўли билан маънони кучайтириши: *Ўзга юртда шаҳ бўлгандан, ўз юртингда гадо бўлган афзал* (Мақол).

17-даре. Сўрок олмошлари. Айрим сўроқларнинг таъсирчанлигини оширишдаги роли. *Қаёқда қолди? Нечун, не...*

18-даре. Белгилаш олмошлари. Айрим белгилаш олмошларининг такрор ишлатилиши: *Ҳар баҳорда шу бўлар такрор, Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади...* (Ҳамид Олимжон).

20-даре. Бўлипсизлик олмошлари. Айрим бўлипсизлик олмошларининг (масалан, *ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қачон*) экспрессия ифодалаши.

24-даре. Жуфт ва такрорий олмошлар. Уларнинг имлоси. Олмошларни такрор ишлатиш ҳам экспрессивликни таъминлайди: *... шу, ...шу...*

47-даре. Кўмакчилар. 48-даре. Соф кўмакчилар. Айрим кўмакчиларнинг бадиий услубга хослиги: *янгил, сари, қадар* каби.

62-даре. Зидлов боғловчилари. *Балки* боғловчисининг маънови кучайтириш учун хизмат қилиши.

63-даре. Инкор (**на**) боғловчиси:

«1) *На* сўзи инкор ифодаловчи бошқа воситалардан кескин фарқ қилади. Унинг асосий фарқи шундаки, бошқа инкор формалари қўша қўлланганда тасдиқ маъноси келиб чиқади (бормай қолмайман, вақтим... йўқ эмас каби). Лекин *на* сўзи бир гап таркибида неча марта қўлланишидан қатъи назар, инкор маъноси сақланади» [2, 15].

2) *На* сўзи доим ниманидир таъкидлайди, кўп ўринда ҳам юкламасининг вазифасини бажаради. Масалан: *Жуда тўғри. Эзгу умр йўлидаги изларни қор ҳам, бўрон ҳам, шамол ҳам — хуллас ҳеч нарса қўмолмайди. — Жуда тўғри. Эзгу умр йўлидаги изларни на қор, на бўрон, на шамол — хуллас ҳеч нарса қўмолмайди* (Т. Ахмедов).

«3) *На* боғловчиси ёрдамида тузилган уюшиб келган бўлақларда *ҳеч ким, ҳеч нарса* каби умумлаштирувчи сўз иштирок этган бўлса, гапнинг кесими, албатта, инкор формада бўлади. Чунки кўрсатилган умумлаштирувчи сўзлар кесимнинг тасдиқ формасида келишига йўл қўймайди» [2, 16].

74-даре. Кучайтирув-таъкид юкламалари.

Ҳеч, ҳаргиз, асло, зинҳор, бирор марта, сира, мутлақо, тарихча сўзлари феълдаги инкорни маъно ва миқдор жиҳатдан кучайтиради, қатъий таъкидлайди: *ҳеч гапирмайди. Мутлақо* сўзи тасдиқ маъносини ҳам кучайтиради: *мутлақо ҳақсиз* каби.

«*Кошки, қани (энди)*» каби сўзлар билан бошланиб, кесими шарт феъл

билан ифодаланган гапларда кесимдан англашилган маъно инкор этилади, орзу-истак ва шу кабилар кучли эмоция билан ифодаланади: *Шунча ялиниб ёлворишади, шунча қўл кўтариб дўқ уришади, қани энди унга таъсир қилса* (А. Несин)» [2, 18].

Кошки сўзи ҳали рўёбга чиқмаган орзу-истакни амалга ошириш истаги, айрим ҳолларда афсусланиш маъносини англатади.

«-са + экан» шаклидаги феъл-кесим ҳам ниманидир инкор этади ва норозилик, орзу-истак каби маъноларни ифодалайди:

- *Қизларнинг ихтиёри ўзида бўлса экан.*

- *Ихтиёримни бермайман десангиз уни ҳеч ким сиздан ололмайди* (С. Зуннунова).

Зинҳор сўзи одатда буйруқ гап таркибида қўлланиб, буйруқ маъносини таъкидлаш учун хизмат қилади. Бундай гапларнинг кесими бўлишсиз шаклда бўлиб, унда ана шу инкор-буйруқ маъноси кучайтирилади: *Зинҳор-базинҳор мажбур қала кўрманг. Тушунтиринг* (Р. Файзий). *Аммо мени олғиз деб ўйламанг. Зинҳор ундай деб ўйламанг* (Т. Ахмедов).

75-даре. Ҳушатиш-қийслаш юкламаси.

Ҳушатиш маъносини ифодаловчи *гўё* воситаси баъзан инкор маъносини англатиши мумкин: *Мафтанасваради, гўё ҳамма нарса тайёр, ҳамма ишлар жойида.*

86-даре. Модал сўзларнинг маъно турлари. Айрим модал сўзларнинг (масалан, *шаксиз*) китобий нутққа хослиги.

88-даре. Тасдиқ ва инкор сўзлар.

Тасдиқ сўзлар, инкор сўзлар. *Йўқ* сўзи қатнашган гапларда экспрессивлик куйидаги йўллар билан ифодаланади:

1) *Йўқ* сўзи бор сўзининг антоними сифатида *-дан бошиқа, -дан ортиқ; -дан яхши, -дан кучли* каби чоғиштирувчи воситалар иштирок этган гапнинг кесими вазифасида қўлланганда бирор воқеа-ҳодиса, нарса, белгининг энг юқори даражада алоҳида таъкидланади. Мисоллар: *Гўё дунёда ундан бойроқ, ундан бахтлироқ қиз йўқ эди* (Мирмуҳсин).

2) *Йўқ* сўзи *-ма* формаси билан қўша қўлланиб, «ҳамма», «барча» деган тушунчанинг кучайиши учун хизмат қилади. Бундан ташқари, *йўқ* сўзи «*ўқимаган*» сўзидаги инкор маънони йўқотиб, умумий тасдиқ маъносини келтириб чиқаради: *Ўқимаган китоби йўқ, қизиқмаган нарсаси йўқ* (Телекўрсатув) [2, 13].

3) *Ҳазилакам, озмунча, чакана, ...-дай ҳам* каби элементлар қатнашган гапларда *йўқ* сўзи сифатдош билан бирга кесим вазифасида келганда, воқеа-ҳодисанинг юқори даражада содир бўлгани ифодаланади: *Сен учун ҳазилакам гап эшитганим йўқ* (Сўзлашув). Бундай қўлланиш асосан сўзлашув нутқига хос [2, 14].

4) *Умри (м) да, шу ёшга кириб, дунёда, дунёга келиб, икки дунёда, бола бўлиб, кучага чиқиб, одам бўлиб* каби лексик бирликлар инкор гап таркибида келиб, кескин инкорга иппора хизматини бажаради. Мисоллар: *Узримда*

шундай чиройли қизни кўрмаган эдим («Олтин олма»).

Нутқда ҳар қандай тасдиқ шаклидаги гап инкор билдириши ва, аксинча, инкор гаплар тасдиқ билдириши, айни пайтда экспрессивияк ифодалаш мумкин.

Хуллас, ўзбек тилшунослигида нутқда экспрессивликни таъминлайдиган грамматик воситалар бир қадар муфассал қаралган. Биз ана шу маълумотлардан фойдаланган ҳолда 5–7-синф она тили дарсларида ўрганиладиган мавзулар доирасида ўқувчиларга нималар ҳақида тупунча бериш мумкинлигини белгиллаб чиқиш асосида мазмундор ва таъсирчан гап тузиш учун асқотадиган таълим мазмуни юзага келди.

2.2. Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлашда бажариладиган гап тузишга доир машқ турлари

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш масалалари ҳеч вақт методист олимларнинг диққат марказидан тушмаган. Проф. К.Қосимова, Й.Абдуллаев, М.Омилхонова, Р.Абдулаҳатова, Р.Ишогомова, А.Ғуломов, Р.Қаюмова, Ғ.Азизовлар яратган тадқиқот ишлари, методик қўлланмалар, эълон қилган илмий мақолаларда асосан боғланишли нутқ устидаги ишлар ҳақида сўз юритилган. Истиқлол даврига келиб А.Ғуломов, Ш.Юсупова, Т.Зиёдова, Ш.Йўлдошева, Н.Йўлдошева, И.Тошев, Н.Қосимова, Х.Қурбонова, Т.Юсупова, М.Мирмахсудова, Н.Алабутдинова ва бошқа методист олимларнинг тадқиқот ишларида, методик қўлланмаларида кўпроқ матн яратиш, феъл-кесимни сўроқ бериш йўли билан кенгайтириш орқали гап тузиш масалалари ёритилди.

Ўқувчиларнинг нутқ савияси матн яратиш, гап тузишга ўргатиш устида жиддий изланишлар олиб боришни тақозо этаётган ҳолатлардан биридир. А.Ғуломовнинг куйидаги таъкиди бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ: «Ўқувчиларнинг кўпчилик қисмида ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, раван ифодалаш кўникмалари ҳамон паст савияда қолиб келмоқда» [79,4]. Буни муаллиф она тили дарслари берадиган имконият билан боғлайди: «Биз болага, асосан, ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан оғзаки ва ёзма нутқда бемалол фойдаланиш, тўғри ёзиш, тўғри ўқиш, тўғри фикрлаш ва тўғри сўзлаш учун унга зарур бўлган билимларнигина бериш имкониятига эгамиз, холос» [81, 38]. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки қидирган одам имкон топади.

Нутқ ўстириш, айниқса, нутқ маданиятини ривожлантириш учун ўқувчиларни тўғри фикрлашга ўргатиш муҳимдир. И.А.Сотова оғзаки ва ёзма нутқда фикрлашнинг фарқли эканлигига диққатни қаратади: «Ўқувчилар ёзган матнига қараб баҳо берадиган бўлсак, улар оғзаки

анча яхшироқ фикрлайдилар (ёзгандагига қараганда – А.Э.)» [58,8].

Л.А.Тростенцова 5–7-синфларда морфологиянинг изчил курсини ўтиш берадиган вақт имкониятлар ҳақида гапириб, бундай дейди: «Агар курснинг асосий, коммуникатив мақсадига эришиш учун у объектив равишда нима бериши мумкин бўлганига қараб морфологияни ўрганиш ишларини амалга оширишга уриниб кўрилса, асл морфологик ишлар билан банд бўладиган ўқув вақтини қисқартирган ҳолда чуқур ва тухта билим, кўникма ҳамда малакалар эгалланишини таъминлашимиз даркор» [62,26]. Шундай қилинганда дарснинг жуда оз вақт оладиган қисмида назарий маълумот юзасидан ижод маҳсули сифатида гап тузиб айтиш машқи берадиган самара салмокли бўлишига ўқитувчилар эътиборини қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Феъл-кесим асосида гапни кенгайтириш талаб этиладиган машқларни мазмундор гаплар тузиш машқлари билан тенглаштириш мумкин. Лекин кейинги машқ турларининг ўз шартлари ва ўлчовлари бор. Чунинчи, кенгайган жумланинг мазмундорлиги унда иккинчи даражали бўлақлар микдорининг кўпроқ бўлишидан ташқари, тингловчи кутган ахборотнинг тўлиқ ва тўғри ақс этганини билан баҳоланади. Гапнинг меъёрида кенгайтирилганлиги уч хил ҳолатни ўзаро таққослаш орқали аниқланади. Чунинчи:

Ахборот тўлиқ эмас, яъни гап меъёридан кам кенгайтирилган	Ахборот тўлиқ, яъни гап меъёрида рилган	Ахборот тўлиқ эмас, лекин гап меъёридан ортиқ кенгайтирилган
Боғларда бодом гуллади.	Ўлкамизнинг жаннатмакон боғларида баҳор келганини англатиб бодом гуллади.	Бепоён ўлкамизнинг жаннатмакон боғларида баҳор келганини англатиб капалак ва болариларни ўзига мафтун этган бодом гуллади.

Тузилган гапни кенгайтиришга доир машқлар тахлил асосида, яъни етишмаётган ахборотни аниқлаш йўсинида бажарилгани маъқул. Масалан, «Боғларда бодом гуллади» гапи аввал куйидаги мазмунда тахлил қилинади:

Ўқитувчи: Гапда ноаниқ қолган фикр борми?

Ўқувчи: Ҳа, бор. Қаердаги боғларда бодом гуллагани ноаниқ. Етишмаётган ахборотни гапга Ўзбекистон, ўлкамиз сўзларини киритиш орқали қўшиш мумкин: *Ўзбекистон (ёки ўлкамиз) боғларида бодом гуллади.*

Ўқитувчи: Юқоридаги гапга яна қандай фикрларни қўшиш мумкин?

Ўқувчи: Боғларнинг қандай боғлар эканлигини айтиш мумкин: *яхши наравариш қилинган, сўлим, жаннатмакон.*

Шу тариха гап тузиш жараёнида уни кенгайтиришнинг ахборот билан боғлиқ заруриятлари англанади, ўқувчиларнинг борлиқ ҳақида фикрлаш чуқурланади, ўз фикрларини сўз ва грамматик воситалар ёрдамида ифодалаш малакалари мустаҳкамланади.

Ўқувчиларни мазмундор ва таъсирчан гап тузишга ўргатиш учун иккита нарса керак: 1) экспрессивлик ифодаловчи лингвистик воситалар – тил

ходисалари; 2) гап тузишда, уни зарур ахборот билан бойнтишда реал воқелик ёки уни тасаввур қилиш орқали таяниладиган кўрсатма воситалар.

Дарсда таништириш мўлжалланган экспрессивлик ифодаловчи тил ходисаси мавзу мазмунига кичик бир қўшимча бўлиб қўпилади ёки қўшимча таъкид билан қифояланилади. Бу иш янги назарий маълумот аниқлаб бўлиниб, мустақамлаш машқларидан мустақил равишда 1-2 гап айтиш машқига ўтиш оралиғида қисқа тарзда амалга оширилиши керак. Баъзан ўқитувчилар янги берилган билимни пухталаш учун ўқувчилардан тўғридан-тўғри мисол келтиришни талаб этадилар. Иккала ҳолатда ҳам аввал қандай гап тузилиши кераклиги маълум қилинади, *қайси тил ходисаларини ишлатиш зарурлигига* мухтасар изоҳ берилади ёки дарсликдаги назарий маълумотнинг тегишли қисмига ўқувчилар эътибори қаратилади. Масалан, 6-синф «Она тили» дарлигида акс этган шундай маълумотлардан бирини эса олайлик: Фельнинг замон, шахс-сон қўшимчаларисиз қисми II шахс буйруқ-истак майлини ифодалади. Бу қисмга буйруқ-истак маъносини кучайтириш учун *-син* қўшимчасини қўшиш ҳам мумкин, шунинг учун бу икки шакл маънодош саналади (86-бет).

Бундай изоҳни ўқитувчининг ўзи тузиши ҳам зарур бўлади. Изоҳ исси хил тузилган тайёр мисолларни кузатиш ва таҳлил қилиш, таққослаш асосида ҳулоса чиқариш шаклида рўёбга чиқарилиши ўқувчиларнинг мустақиллигини оширади, мазмундор ва таъсирчан гаплар ҳақидаги тушунчаларини янада кенгайтиради.

Албатта, барча дарсларда экспрессия ифодаловчи тил ходисаси билан таништиришга тўғри келавермайди. Бундай воситалар устида ишлаш имконияти мавжуд бўлган дарсда улар гап тузиш машқидан олдин кўрсатилиши керак.

Экспрессив восита аниқлашга, ўқитувчи ўқувчиларга ўтилган мавзу юзасидан мисол келтириш ёки гап тузинг деб топшириқ бермасдан, балки мазмундор, таъсирий бўёққа эга бўлган мисоллар топинг ёки гап тузинг деб топшириқ шартини ўзгартиради, яъни ўқитувчи одатда фойдаланадиган топшириқ ва машқ шартларига ислоҳ киритади. Албатта, тузинг дегандан кўра, аввал ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, дарслик машқларидан топинг деган маъқул, чунки бу иш тури осонроқ. Ўқувчи машқ материалларидан таъсирчан гапларни ажратиш малакасини ҳосил қилиб борса, унда шундай жумлалар тузиш истаги ривожланади.

Уй иши сифатида ўқувчилар бундай гапларни дарсликдаги илгарироқ бажарилган машқлардан, адабиёт дарсларида ўқилган бадий асардан олишларини талаб этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буни уйдалаган ўқувчи «шунчаки» грамматик жиҳатдан тўғри гапни мазмундор, таъсирчан гапдан фарқлашга имкон берувчи тил ҳиссига ҳам таянади. Масалан, 5-синф «Она тили» дарлигидаги «Кўмакчилар» мавзуси ўтиладиганда ўқувчилар аввал бажарилган 92-машқдаги «*Илм зеҳнимизни, фикримизни қилч каби ўткир қилади*», «*Салим ота билан йиғитлар меҳмонни иззат-иқром билан кузатиб*

ташқарига чиқиди» каби гапларни ажратадилар. Болалар бундай гапларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигига эътибор бериб, бунга қайси воситалар ёрдамида эришилганлигини изоҳлашлари ҳам мумкин. Дарсда «Адабиёт» дарлигидаги асарлардан мисоллар топтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ишга уйга вазифа қилиб бериш ҳам мумкин.

Навбатдаги босқичда ўқувчилардан мавзуга оид гаплар тузишни талаб этиш тўғри бўлади. Агар тузилган гап мазмундор ва таъсирчан бўлмаса, диққатни ўзига тортмаса, унга етишмайдиган ахборотни киритиш, уни тилининг таъсирий-таъсирий ифодаларидан, маънони кучайтирувчи воситаларидан фойдаланиб ўзгартириш ҳақида кўрсатма ва намуна берилади. Ўқитувчи ёрдами билан ўқувчи ўзи тузган гапини кенгайтириб, мазмундорликни, экспрессия ифодаловчи воситаларни жалб этиб, таъсирчанликни таъминлайди. Ана шу тарика кенгайтирилган гаплардан мисол келтирамиз:

Асли:

1. *Қуёш заминни иситади.*

2. *Салима гўлдаста тайёрлади.*

3. *Жаҳонгир ёш болаларга ёрдам берди.*

Ўзгарган шакли:

1. *Қуёш ўзининг заррин нурлари билан бутун борлиқ – заминни иситади.*

2. *Салима онасини тугилган кўни билан табриклаш учун катта, чиройли гўлдаста тайёрлади.*

3. *Жаҳонгир ўзидан кичкина, ёш болаларга ёрдам қўлини чўзди.*

Гаплар ўзгартирилганда, уларнинг мазмундорлиги ошиши билан бирга тингловчига етказилаётган маълумот ойдинлашади. Ўқувчининг нутқи эса равланшади. Тўғри, у тузадиган гапларнинг мазмундор ва таъсирчан бўлишига эришиш 1-2 ёки 3-4 дарсининг ўзида содир бўлмайди, балки она тили ўқитувчисидан изланишни, ижодкорликни, талабчанликни, маълум бир давр мобайнида мавзу устида мунтазам ва барқарор иш олиб боришни талаб этади.

Она тили дарсларида ўтиладиган мавзуларни ўрганиш жараёнида экспрессия ифодаловчи воситалар билан таништириш дарсларида ўқувчиларга кузатиш учун мисоллар бериб, таъсирчанликни юзага чиқарган лексик ёки грамматик воситаларни топтириш, таҳлил қилдириш ва ҳулоса ҳамда умумлашмалар чиқартириш ишлари учун қисқа вақт ажратиш туради. Таҳлил жараёнида диалог характеридаги суҳбат методини қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Н.А.Ишполитованинг фикрича, ўқувчилар мустақил равишда саволлар тузишлари, бу саволларни ўқитувчига беришлари лозим. Ўқитувчи эса ўқувчилар олдида пайдо бўлган муаммони ҳал этишга ёрдамлаштири керак [20, 19]. Дарҳақиқат, тил ходисаси юзасидан болаларда қанча кўп саволлар туғилса, унинг моҳиятига ҳамкорликда шунчалик чуқур кириб бориш имконияти туғилади.

Юқоридаги каби дарсларда ўқувчилар қўшимча равишда талаб қилинган

билимлар, шу билимлар асосида фаоллашган сўз ва сўз шакллари бойлиги уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади. Ўқувчи лугати қанчалик бой бўлса, у таъсирчан ифодаларни, грамматик воситаларни излаш бошласа, ўз фикрини шунча раво ва ширинли баён қила олади. Сўз бойлиги кам бўлган ўқувчи эса ўз фикрини ифодаловчи сўзларни топа олмаслиги ёки баъзи сўзларнинг маъносини билмаслиги натижасида услубий нуқсонларга йўл қўйиши табиий.

«Ўзбек мактабларида она тили ўқитиш концепцияси» да [69] кўрсатиб ўтилганидек, бола ўз нутқининг ривожланишидаги муайян босқичда ёш, таракқиёт ҳамда ўзида тугилган фикр ифодалаш ва фикрни англаш эҳтиёжига кўра она тилидаги ифода воситаларини ўрганишга ва фикр баён қилиш жараёнида уларни қўллашга эҳтиёж сезади. Зеро, «...нутқни бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар тил воситаларидан нутқда тўғри фойдаланишга ўргатибгина қолмай, уларни ўз ўрнида, контекст талабини ҳисобга олган ҳолда қўллаш малакасини ҳам тарбиялайди» [23,8].

Ўқувчилар бадий асарлардан мисол топиш билан бирга ҳар бир шоир ёки ёзувчи ижоди ўзига хос услубга эга эканлигининг тавоғи бўлади. А.Қаҳҳор ўз асарларида халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган маколлардан унумли фойдаланиш, шоир Ҳ.Олимжон шеърларида ўхшатиш, сифатлаш воситаларининг мавжудлиги, А.Қодирий ҳикояларида керакли ахборот доирасида фикрнинг қисқа, лўнда ифодаланиши, Ғ.Ғулум асарларида эса юмористик туйғунинг уйғунлигини ҳис этади. Шунингдек, тарихий мавзулардаги асарларда эскирган сўзларнинг, грамматик воситаларнинг қўлини ҳам ўқувчилар эътиборида бўлади.

Ўқувчи ўқиган ёки ўзи тузган ижодий матн орқали тилнинг тасвирий воситаларидан фойдаланишнинг тингловчига эстетик завқ бағишлаш, маънавий дунёсини бойитиши ҳақида қатъий ишонч ҳосил қилади. Зеро, А.Навоий айтганларидек, «Тил ширинлиги кўнглига ёқимлидир, мулоҳимлиги эса фойдалидир».

Таъкидлаш лозимки, она тили дарсларида ўқувчида ижодий тафаккурни ўстириш, мустақил фикрлаш малакаларини чуқурлаштириб, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, раво ифодалаш кўникмасини шакллантириш ўстидаги ишлар тизимли равишда олиб борилоғи лозим.

Ўзбек халқи бой маданий меросга эга. Шарҳда етишиб чиққан буюк алломалар, мутафаккирларимиз сўзнинг буюк қудратини улуглаб, ўз асарларида ўқувчини ғўзал нутқ соҳиби бўлишга чақирганлар. Мумтоз адабиётимиз буюк намоёнлари, ғазал мулкдорлари султони Мир Алишер Навоий ҳазратлари сўзнинг қудратига алоҳида тўхталиб:

Жисм бўстонига шажар сўздур,

Рух ашжорига самар сўздур, —

деган пурмаёно байтни айтади, шунингдек «Мажолисун-нафос», «Маҳбуб-ул кулуб» асарларида бадий сўз услуби, тил одоби ҳақида фикр

қўрилади. Шоирнинг замондошлари Зайниддин Маҳмуд Восифий «Бадое-ул вақоеъ» асарида, Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган мактубларида инсонни чиройли нутқ сўзлашга, ўз нутқи билан ўзгалар ҳурматини қозонишга, нутқий раволикка эришишга даъват этилади.

Ўқувчилар нутқини она тили ва адабиёт дарсларида савол-жавоб орқали ўстириш мақсадида уларга қуйидаги каби саволлар бериб турилади: *Болалар, она тили дарсларида гапнинг мазмундорлигини оширишга хизмат қиладиган қандай тил ҳодисаларини ўрганган эдик? Адабиёт дарсларида қандай тасвирий воситаларни ўргандингиз? Улар ҳақида нималар дея olasиз?*

Она тили дарсларида ўқувчилар уй вазифасини ёки янги ўтилган маззун гапириб бераётган пайтда баъзан қандайдан ўзи келтирадиган мисолларини таъсирчан ва мазмундор қилиб тузиш учун бир оз кўпроқ вақт керак бўлиб қолади. Бундай кезларда шунча вақт беришнинг илҳами бўлмаса, уларга икки хил йўл тутиш тавсия қилинади:

1) дарсликдан ёки бадий асардан танлаб олган гапларини ўқиб бериш;

2) уйда ўқувчининг топиши билан тузиб келган гапларидан фойдаланиш.

Ўқувчидаги каби ишлар ўқувчининг она тилидан кўпроқ билим олиб, дарсад-дарсага ўз нутқини ўстириб бориши учун интилиш пайдо қилади. У экспрессия ифодаловчи воситаларни назарий маълумотлардан, турли манбалардан астойдил қидира бошлайди. Аслида ҳам, М.Мирмахсудова тўғри таъкидлаганидек, нутқ ўстириш учун ҳам қандайдан бўлиши керак [43].

Тил фактларини қуруқ ўзлаштириш ва ёнда олиб қилиш ўқувчининг улардан тегишли даражада фойдалана олиши учун етарли эмас. Нутқ ўстириш учун уларни нутқда тез ва ўринли қўллаш малака ва кўникмалари шакллантирилиши зарур.

Мазкур даражадаги малака ва кўникмалар эса муайян операцияларни узоқ машқ қилишлар, кўп мартаба такрорлашлар натижасига бўлмай, балки ўқувчиларнинг умумий ақлий таракқиётидаги сифат ўзгаришлари натижаси ҳамдир, айна пайтда тил ривожининг ўзи ўқувчининг нутқий ва у билан узвий боғлиқ ақлий фаолияти оқибатидир ҳам [59,54].

Она тили дарсларида ўтилган назарий маълумотга мисол келтириш мисолларининг ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда бажарилиши яхши самара беради. Ўқувчиларга бир-икки мисол оғзаки туздирилгач, бу ишни ёзма адо этиш топширилади. Икки-уч ўзи ёзган гапни ўқиб эмас, айтиб бериши мақсадга мувофиқдир. Тузилган гапларнинг қандай чиққанлиги ҳақида синф ўқувчиларининг берадиган баҳолари ҳар бир сўзловчида маъсулият ҳиссини уйғотади.

Ҳар бир дарсада ўқувчиларни мисол келтириш — мазмундор ва таъсирчан гап тузиш вазиятига солиб туриш учун имкониятлар катта. Айна шу имкониятдан мақсад йўлида оғишмай фойдаланиш зарур, холос. Самарали усуллар асосида танқил этиладиган бу ишлар аста-секин уларнинг ижодий матн яратиш малакаларига ижобий таъсир кўрсатади. Лекин, И.Мамадалиев

тўғри таъкидлаганидек, тил ўқитишда метод ва усуллардан тўғри фойдаланилмас экан, ўқувчиларни «...фикрини эмин-эркин мулоҳазали равишда тингловчига сўз оладиган, сўз кучи билан ўз мақсадига эриша оладиган қилиб» тарбиялаш амри маҳол [33,35].

Мазмундор ва таъсирчан гаплар тузиш машқларида *дидактик воситаларга* ҳам алоҳида аҳамият берилади. Гап тузишдаги дидактик воситаларга биринчи навбатда кўрсатмалилик киради. Конкрет нарсабуюмни, тасвирий санъат асарини дарсга олиб кириш, асар қаҳрамонлари, тарихий шахс, атоқли кишилар портретига мурожаат этиш, уларни ўқувчилар кўз олдида гавдалантириш ана шундай кўрсатмалиликни юзага келтиради. Агар, қўлланмаизининг биринчи бобида амалиёт асосида хулоса чиқарганимиздек, феъллар асосида гаплар муайян лоқайдлик билан тузилса, аксинча, фикр субъекти ёки предметини назарда тутиб яратиладиган гаплар сўзловчини лоқайд, ноаниқ мушоҳада юритишдан халос этади. Бу фикр Р.Йўлдошевнинг «Гап тузишда эганинг кесимга, унинг грамматик шаклланишига таъсирини ҳисобга олишдаги узвийлик» деган маъруза тезисида маълум даражада назарий асосланган [60,81–82].

Она тили дарсларида назарий маълумотларга доир мисол келтириш жараёнида ўқувчиларни ўз ички кечинмаларига таянган ҳолда (ўқилган бадий асар қаҳрамонини кўз олдида келтириб, таниқли кишилар номини тилга олиб) мазмундор ва таъсирчан гап тузишга ўргатиш мақсадида қуйидаги машқ турларидан фойдаланиш маъқул:

- 1) ўтилган назарий маълумотга доир мисол айтиш ёки ёзиш;
- 2) берилган сўз ёки сўз бирикмаси иштирокида гап тузиш;
- 3) ўтилган қоидага мос мисолни дарсликдаги машқдан ёки бадий асардан топиб айтиш ёки ёзиш;
- 4) берилган гаплар орасидан мазмундорларини ажратиш;
- 5) берилган гапни мазмундор гапга айлантириш;
- 6) расм (тасвирий санъат асари)га қараб гап тузиш;
- 7) берилган гапларнинг мазмундор чиқишини таъминлаган лексик воситаларни аниқлаш;
- 8) гапдаги услубий хатони аниқлаш;
- 9) гапни таҳрир қилиш;
- 10) бадий услубда ёзилган гапни илмий услубга айлантириш;
- 11) берилган икки матннинг қайси услубга мансублигини аниқлаш ва изоҳлаш;
- 12) гап тузишдан олдин ўқувчидан таниш кишилар, таниқли шахслар, асар қаҳрамонларидан кимни кўз олдида келтираётганини сўраш;
- 13) гап тузиш пайтида акс эттирилмоқчи бўлган бирор руҳий ҳолатни белгилаб олиш;
- 14) гап тузишдан олдин бирор нутқий вазиятни аниқлаб олиш;
- 15) гап тузишда бадий адабиётга хос тасвирий воситалардан фойдаланиш;

16) ўқувчиларни матн яратишга ўргатиш;

17) берилган мавзуда уч-тўрт гапни матн яратиш.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, хусусан, нутқ маданиятини ривожлантириш асосий мақсадлардан биридир. Таъсирли қилиб гапиришга интилиш коммуникатив ёндашувга хос хусусиятлардан бири бўлиб, сўзловчини ҳамма вақт шунга хизмат қилувчи воситалар кидиришга ундайди. Баъзилар мақол ва матал қўшиб, баъзилар эса бирор асар қаҳрамони қилган ишларни эслатиш йўли билан суҳбатдошига гап уқтиришга, ишонарли, таъсирли сўзлашга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи ана шу табиий интилиш ҳолатларига таянган ҳолда гап тузишга доир қўшимча машқлар ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг нутқини силлиқлаб, тўзлаштириб боришга эришади. Албатта, бундай машқлар бир дарсда эмас, балки узлуксиз она тили таълими тизимида амалга оширилмоғи, мунтазамлик касб этмоғи даркор.

Эътироф этиш керакки, гап тузишга доир қўшимча машқларни ўтказишда феълга таяниш кўпинча қутулган самарани бермайди (ўқувчилар феъл асосида кўпинча мавҳум нарсалар ҳақида гаплар туздилар), шунинг учун ҳам бошқача иш тутиш, яъни уларни бадий асар қаҳрамонларини, уларнинг турли ҳаётий вазиятлардаги, бирор иш-ҳаракатни бажаришидаги умумий ва руҳий ҳолатини кўз олдида келтириб фикр айтишга ундаш фойдали бўлади.

Дарҳақиқат, асар қаҳрамони турмуш тақозоси билан турли хил умумий ва руҳий ҳолатда бўлади. Ана шу ҳолатлар (хурсандлик, бирор нарсадан мамнувлиқ, қувонч, хафағарчилик, ташвиш, алам ва бошқалар) тузилажак гапларнинг аниқ таъналадиган ифодалар туфайли ишонарли, таъсирчан, туйғуларга бой бўлишини таъминлайди, сўзловчини фикр баён қилишдаги мавҳумликдан олиб чиқади, фикрий равишлик бахш этади.

Ўқувчиларни ана шундай умумий ва руҳий ҳолатларни ифодалашга ўргатиш қуйидаги изчилликдаги машқлар орқали таъминланади:

1. Асарни ўқиб жараёнида қуйидагиларни кузатиш:

1) асарда табиат тасвири, табиат буюмлари, ҳодисалари асосида асар қаҳрамонида, ёзувчида тутилган руҳий ҳолатлар;

2) асар қаҳрамонининг умумий ва руҳий ҳолатидаги ўзгаришлар.

2. Мисоллар тўплаш:

1) умумий ва руҳий ҳолатларга доир;

2) умумий ва руҳий ҳолатларнинг ўзгаришига оид.

3. Гап тузиш жараёнида табиат буюмлари, ҳодисаларидан таъсирланиш, қаҳрамоннинг умумий ва руҳий, бирор иш-ҳаракатни бажаришидаги конкрет ҳолатини кўз олдида келтириш ва тегишли ифодалар топиб тасвирлаш.

Асарни ўқиб жараёнида табиат тасвири, табиат буюмлари, ҳодисалари асосида ёзувчида тутилган руҳий ҳолатлар, асар қаҳрамонидаги умумий ва бирор руҳий ҳолатнинг нутқ шароитига мос равишда, юз бераётган вазиятларга кўра ўзгариб бориши қандай тасвирланганини кузатиш, ёзиб

бориш орқали тегишли сўз бойлигини шакллантириш зарур бўлади. Лекин бундаги асосий қийинчилик шундан иборатки, баъзан руҳий ҳолат билан қахрамоннинг умумий ҳолатини ёки бирор иш-ҳаракатни бажаришдаги конкрет ҳолатини ўзаро фарқлаш мушкул кечади. Масалан, қуйидаги гапларда руҳий ҳолат акс этган: *Сиз катта соғва тайёрлаб қўйган экансиз. Хурсанд бўлдим. Кўкрагим тоғдек кўтарилди* (Ойбек). *Эркин Мутал билан Санжарнинг ҳис-ҳаяжонини билмади-ю, аммо ўзини беҳаловат сеза бошлади* (М.Ниезов). *«Холанинг ҳеч қили йўқ экан-да, — деди Эркин ичида камтирга ачиниб»* (М.Ниезов).

Қуйидаги гапларда қахрамоннинг нутқ вазиятидаги умумий ҳолати акс этган: *Стекло, одатича, ўткир кўзларини чақчайтириб, генералга мурожат қилишни буюрди* (Ойбек). *Камтир болаларни кўриб севиниб кетди* (М.Ниезов). *Камтир болаларга бирпас маънос қараб турди...* (М.Ниезов). *Музаффар бир ижирганиб кўйди* (Х.Пўлатов).

Қуйидаги гапларда қахрамоннинг бирор иш-ҳаракатни бажаришдаги конкрет ҳолати акс этган: *Бектемир қатқалоқларга қоқилиб-суқилиб, штабга келди* (Ойбек). *Эркин кўчага боши қараёт чикди* (М.Ниезов). *Мутал билан Санжар жураги қичиган одамдай елка қисинди* (М.Ниезов). *Қизчага мулойимгина жилмайиб қаради* (Х.Пўлатов).

Келтирилган мисоллардаги *хурсанд бўлдим, кўкрагим тоғдек кўтарилди, ачиниб, кўзларини чақчайтириб, севиниб кетди, маънос, ижирганиб, қоқилиб-суқилиб, боши қараёт, жилмайиб* сўзлари ва ибораларидан қай бири умумий ва конкрет ҳолатни, қай бири эса руҳий ҳолатни аниқлаштириш ўқувчилар қўй вақт фарқлай олмай турадилар. Ўқитувчининг тегишли изоҳларига ўқувчиларни ана шундай билим ва кўникмалар билан қуроллантиришда пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам дастлаб умумий ва аниқ бир руҳий ҳолатни ўзаро фарқламаган ҳолда бадний асардан мисоллар ажратиш маъқул бажарилади. Маъқул икки хил бўлиши мумкин:

- а) гаплар кўчирилади;
- б) қахрамоннинг умумий ва руҳий ҳолатини акс эттирувчи сўз ва иборалар ёзиб борилади.

Сўз ва ибораларнинг умумий ёки аниқ бир руҳий ҳолатни билдириши гап таркибида ойдишланади. Бинобарин, ишни аввал гапларни таплаш ва кўчириб олишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги каби машқлар кузатилаётган лингвистик ҳодисаларни пайқаш билан боғлиқ тил сезиришнинг шакллантиради, уларни таҳлил қилишга тайёрларлик кўриш имконини беради. Қахрамоннинг умумий ҳамда конкрет ҳолати ва нутқ вазиятидаги руҳий ҳолатини ифодалаш билан боғлиқ сўзу ибораларнинг маълум бир заҳираси тўшлангач, машқларда ўқувчиларнинг оғли иштирокини оширишга қаратишган чора-тадбирлар бажарилади. Чунинчи:

- 1) қахрамоннинг умумий ахволи ва бирор нутқ вазиятидаги руҳий

ҳолатини акс эттирувчи сўз ва иборалар мавжуд бўлган гапларни топиш;

- 2) ана шу сўз ва ибораларни қисқа изоҳлаш;
- 3) уларнинг маъноси такозо этадиган синонимлар, антонимларнинг бор-йўқлигини аниқлаш;
- 4) ёзувчи нима учун айтиш шу вариантни танлаганини исботлашга ҳаракат қилиш;
- 5) ўзида ҳам асар қахрамонларида пайдо бўлган руҳий ҳолатга ўхшаш руҳий ва умумий ҳолатларнинг бўлган-бўлмаганлиги, бунинг сабабини айтишган тузиш.

Бунинг учун ўқиб жараёнидаёқ ёзувчи умумий ёки конкрет ахвол ва аниқ бир руҳий ҳолатни қандай тасвирлаганига ўқувчилар диққатини қаратиш, бунда қандай воситалардан фойдаланганига эътиборни жалб этиш, нима учун айтиш ана шу воситалар танлангани ҳақида ўйлаш одатларини шакллантиришга ёрдам беради. Масалан, *«Эркин кўчага боши қараёт чикди»* гапида Эркиннинг чиқаётган пайтидаги конкрет ҳолати — *боши қараёт бўлганлиги*дир. Ўқувчилар ўқитувчининг талаби билан *«боши қараёт»* нинг ибора эканлигини айтдилар.

Юқорида ўқувчиларга мазмундорликни аниқлаш ва мазмундор ҳамда таъсирчан гаплар тузиш йўллари кўрсатиш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз юритдик. Ана шулар асосида машқ турларини бажаришга ўтиш мумкин бўлади. Қуйида илгарироқ санаб кўрсатилган машқларнинг ҳар бир турини изоҳлаб ўтишга ҳаракат қиламиз.

I. Ўтилган назарий маълумотга доир мисол айтиш ёки ёзиш.

Она тили дарсларида ўқувчиларни мазмундор гап тузишга ўргатиш ишлари муайян билимларга асосланади. Бу билимлар 5–7-синфларда таълим мазмуни сифатида ажратилган дарсларда ўтиладиган мазмулар билан боғлиқ тушунтирилади. Берилган тушунчани мустақамлаш мақсадида мисол келтириш талаб этилади. Ўқувчилар бадний асарлардан, дарслик машқларидан, матнларидан олинган мисолларни айтиш баробарида ўзлари ҳам гап тузадилар. Бу иш, асосан, оғзаки бажарилади. Намуна сифатида энг яхши чиққан жумлани синф тахтасига ёздириш мумкин.

Маълум босқичга келиб ўқитувчи назорат иши сифатида ёзма равишда гап тузиш машқини ўтказди. Ўқувчилар ёзган айрим гаплар таҳлил қилинади.

II. Берилган сўз ёки сўз бирикмаси иштирокида гап тузиш. Бугунги кунда «Она тили» дарсликларида бундай машқларга катта ўрин ажратилган. Ҳар бир сўз туркуми ўтилар экан, одатда, шундай машқлар бажариш тавсия этилади. Фақат уларни бажариш чоғида ўқувчилардан мазмундор ва таъсирчан гап тузишни талаб этишни унутмаслик керак.

III. Ўтилган қондага мос мисолни дарсликдаги машқдан ёки бадний парчадан топиб айтиш ёки ёзиш. Ўқувчи мустақил равишда мазмундор, таъсирчан гап тузиш ишида қийинчилик ҳис этган пайтда унга бундай мисолни дарсликдаги машқдан ёки бадний парчадан топиб айтиш ёки ёзиш

Л.А.Латюк амалга оширган таҳлиллари шуни кўрсатадики, ўқувчилар жонли гуллар тасвиридагига қараганда расм асосидаги тасвирда 20–30% га кўпроқ сўз ишлатганлар [29,13]. Натюрморт предметларни каттароқ ҳажмда кўриш, улардаги гўзалликни ҳис этиш имконини бериб, болаларнинг сўз бойлигини кўпроқ фаоллаштиради экан. Худди шунингдек, буюмлар, шахслар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилишда расмлар маъқулроқ экан. Хидди тасвирларида эса натурага қараб ишро ёзиш яхши натижалар берган. Бу табиий. Чунки, расмда тасвирланган гулнинг хиди бўлмайди. Расмга қараб ишро ёзганда натурага қараб ишро ёзгандагига қараганда 10–15% га кўпроқ сифатлар ишлатилган [65,14].

Ривоя-ишрода тасвирлар кам бўлади – демак, сифатлар камроқ ишлатилади. Ривоя-ишронинг ҳажми каттароқ бўлади. Натюрмортга қараб тасвирлаганда ёйиқ гаплар кўпроқ ишлатилади. ...Кўп предметли натюрмортга қараб ишро ёзганда ҳажм катта бўлади, лекин сифатлар 2 марта кам қўлланади [29,15].

Ўқувчилар эртақлар асосидаги расмларга қараганда ҳайвонларнинг ўзи тасвирланган расмларни кўпроқ танлайдилар. Таниш ҳайвонлар бўлса, болалар ўз муносабатларини таъсирчанроқ, ифодалироқ баён этидилар [65,16].

Л.А.Латюк келтирган юқоридаги маълумотлар расмга қараб гап тузиш машқларини ташкил этишда ҳам ҳисобга олинмоғи фойдадан холи эмас.

VII. Берилган гапларнинг мазмундор чиқишини таъминлаган лексик воситаларни аниқлаш.

Методист олима Ф.Х.Аминова таъкидлаганидек, «Ўқувчининг нутқ маданияти оғзаки ва ёзма адабий тил меъёрларини эгаллаш, шунингдек, турли алоқа-аралашув шароитларида тилнинг тасвирий воситаларидан нутқнинг мақсад ва мазмунига мос равишда фойдаланишдан иборатдир» [8,13]. Бирор тил фактини нутқда қўллаш учун уни билиш керак. Нутқни ширатор қилган лексик ва грамматик воситани билиш жараёни кузатиш, аниқлаш, ажратиш асосида амалга ошади.

Икки гапни ўзаро таққослаб, мазмундор, таъсирчан гапни ажратиш осон. Лекин гап битга бўлса, ундаги экспрессивликни ифодаловчи лексик еки грамматик воситани аниқлаш қийинроқ. Бунинг учун ривожланаётган тил ҳисси зарур. Масалан, 6-синф «Она тили» дарслигидаги 22-машқда «Богдаги гуллар анвойи хидлар таратади» гапи келтирилган. Тажиба дарсларида ўқувчилар тил ҳисси асосида *анвойи, таратади* сўзларини кўрсатдилар. Умуман, дарсликлардаги машқларда бундай мазмундор, таъсирчан гаплар кўп.

Ушбу машқ тури экспрессивлик ифодаловчи лексик ва грамматик воситалар юзасидан берилган маълумотни мустақамлаш ва изчил таққорлаб бориш мақсадиши ҳам кўзда тутади.

VIII. Гапдаги услубий хатони аниқлаш.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари тилнинг ифодали

воситаларини билишлари, уларни матндан таний олишлари, лицтвистик шаклини тушунишлари (сўз бирикмаси, гап қурилиши, боғловчиларнинг вазифаси, интонация ва б.), уларнинг экспрессивлик моҳиятини ва ушбу матнда ўринли эканлигини ҳис этишлари керак. Шундагина улар гапда йўл қўйилган услубий хатони аниқлай оладилар. Лекин бу каби ишлар ҳам услубий қоидалар ўрганилмаган бир шароитда тил ҳиссига таяниб бажарилади. Ўқувчилар сўз ишлатиш билан боғлиқ услубий хатоларни бирмунчи осонлик билан аниқласалар, морфологик шакллар туфайли йўл қўйилган камчиликларни тезда пайқай олмайдилар. Масалан, «*Биз эшигимиз олдидан ўтган ариқни чуқурроқ чопдик*» гапини улар қийналмай «*Биз эшигимиз олдидан ўтган ариқни чуқурроқ кавладик*» деб тузатдилар. Лекин улардан «*Биз уй орқасидаги каттакон гулзорга ўтдик*» деб тузатдилар. Лекин хатони (*катта* сўзи ўрнига *каттакон* сўзи ишлатилганини) кўрсатиш ва тузатиш тавсия этилганда, бу иш мураккаблик қилгани сезилди. Уй орқасидаги ховлида каттакон гулзор бўлмаслиги аниқ. «Нутқ маданияти ва услубий асослари» ўқув қўлланмасида қуйидаги тушунтириш берилди: «Сифатларнинг тўлиқ ва нотўлиқ шакллари мавжуд бўлиб, улар матнда бирининг ўрнини иккинчиси алмаштиради. Тўлиқ шаклли бирикмаларда маъно кучайтирилади. Чоғинтириш: улуг иш – улугвор иш, катта ховли – каттакон ховли каби. Тўлиқ формали сифатлар бадий ва публицистик нутқ услубларида кўп ишлатилади» [72,74].

IX. Гапни таҳрир қилиш. Ўтилган мавзу асосида ўқувчи тузган бирор гапни таҳрир қилиш йўли билан мазмундор гапга айлантириш талаб этиладиган машқларнинг аҳамияти катта. Бундай машқлар тил сезгирлигини оширади, ўқувчини гапларнинг мазмундор ёки мазмундор эмаслиги ҳақида ўйлашга одатлантиради.

Берилган феъллар асосида мазмундор гап тузиш талаб этилган ёзма ишларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, айрим ўқувчилар узундан-узун гаплар тузи боплашлари мумкин. Масалан:

6-синф ўқувчиси Г.: *Бепоен ўлкамизнинг жаннатмакон боғларида баҳор келганини англатиб каталак ва болариларни ўзига мафтун этган бодом гуллари.*

6-синф ўқувчиси III.: *Отам қўли гул чеварлиги сабаб менга чиройли нимчалар ва қит-қизил гулли қўйлақчалар тикиб бердилар.*

Бундай гаплар асосида ҳам таҳрир иштини ташкил этиш лозим.

X. Бадий услубда ёзилган гапни илмий услубга айлантириш.

Муайян дарсларда услубларни ўзаро таққослаш орқали ўқувчиларда тегишли билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш кўзда тутилади. Бадий услубда экспрессивлик кучли бўлса, илмий услубда (айрим ўқитувчилар илмий услубни ўқувчиларга китобий услуб деб ҳам таништирадилар) бундай эмас. Демак, ўқувчи экспрессия ифодаловчи воситаларни гапдан тушириб қолдириши, унга аниқликлар киритиши керак бўлади. Масалан «*Бепоен ўлкамизнинг жаннатмакон боғларида баҳор келганини англатиб каталак ва*

болариларни ўзига мафтун этган бодом гуллади» гапни ўқувчилардан бири қуйидагича ўзгартирди: *Ўлкамиз боғларида баҳор келганини англатиб бодом гуллади.*

XI. Берилган икки матннинг қайси услубга мансублигини аниқлаш ва изоҳлаш. Матн яратиш жараёнининг шакл ва мазмун бирлигида амалга оширилиши ўқувчиларга адабиёт дарсларидан маълум. Шунга кўра ҳам қисман 6-, асосан 7-синфда уларга яратиладиган матннинг коммуникативлик нуқтаи назаридан бадиий услуб ёки илмий услубда ёзилиши, ушбу услубларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тушунча бериб борилади. (Ўқувчилар дастлаб ушбу икки услубнинг фарқини нуқта билиб олишлари керак.) Аслида ҳам «Сўзларнинг функционал услубларга мансублигини билиш уларни озгаки ва ёзма нутқда тўғри қўллашнинг асосий шартидир» [18,8–9].

XII. Гап тузишдан олдин ўқувчидан таниш кишилар, табиқли шахслар, асар қаҳрамонларидан кимни кўз олдига келтираётганини сўраш.

Асар қаҳрамони номини тилга олиб гап тузиш машқлари шу пайтга қадар берилган билим, ҳосил қилинаётган кўникма ва малакаларни фаоллаштириш имконини беради. Бунда ўқувчиларга асар қаҳрамонининг табиат ҳодисаларидан, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатдан турли хил умумий ёки конкрет аҳволда бўлиши ва руҳий ҳолатларга тушишини кўз олдига келтириш маслаҳат берилади. Болалар ана шу ҳолат (масалан, кўёшнинг чарақлаб туриши қувончли ифода этади) нуқтаи назаридан тасвирий воситаларни танлайдилар, фикрни асар гоёси атрофида жамлашга ҳаракат қиладилар.

Асар қаҳрамонлари мисолида гап тузиш сўнгида таккослаш учун таниш ёки мавҳум одамлар ҳақида баён қилинадиган фикрларнинг аниқ ёки ноаниқ бўлишини англатишга ўтиш мумкин. Шундагина ўқувчилар нотаниш одамга қараганда бирор таниш киши ҳақида гап тузаётганда дардқашлик туйғулари пайдо бўлиши, шу туйғулар таъсирида ўша кишининг маълум бир вазиятдаги умумий ва аниқ бир руҳий ҳолати ҳақида ўйлай бошлашига ишонч ҳосил қилади.

Масалан, *«Алпомиш 60 ботмонлик ёйни даст кўтарди»* гапи бевосита Алпомишни назарда тутиб тузилгани учун аниқ ахборот тапувчисига айланади. *Кўтармоқ* феъли билан гап тузганда эса *«Бола тоғини кўтарди»*, *«Қизча сумкасини кўтарди»* каби ноаниқ субъект ҳақида фикр юритишга тўғри келади.

Асар қаҳрамонининг бирор нутқий вазиятда умумий ва аниқ бир руҳий ҳолати қандай бўлгани, ёзувчи уни қандай ифодалагани ҳақидаги мушоҳадалар ўқувчиларда шундай тасвирларни топа олиш ва ишлата билиш одатини шакллантиришга ёрдам беради, ижодий тафаккур ривож топади.

Хуллас, 5-синфдан бошлаб бадиий асар юзасидан узлуксизлик асосида ташкил этиладиган кузатиш ишлари ва гап тузиш билан яқунладиган

машқлар ўқувчиларни таниш кишилар ҳақида, уларнинг фазилатлари тўғрисида ўйлашга ундаб, тасавурларини бойитибгина қолмай, уларнинг нутқини ўстиришга ҳам катта ёрдам беради.

XIII. Гап тузиш пайтида аке эттирилмоқчи бўлган бирор руҳий ҳолатни белгилаб олиш.

Ёзувчи қаҳрамоннинг умумий ёки конкрет ҳолати ва руҳиятини тасвирлар экан, бу билан унинг хатти-ҳаракатларининг сабаб-натижаларини англашга йўл очиб беради. Матндан ана шундай сўз ва иборалар тушириб қолдирилса, бадиий тасвирга путур етади. Буни яққол кўриш учун икки хил матндан фойдаланилади: Бирида руҳий ҳолатни ифодаловчи сўз ва иборалар сақланган, иккинчисида эса улар тушириб қолдирилган бўлади. Ўқувчиларга ушбу матнларни ўқиб, уларнинг бир-биридан фарқини нимада сезганликларини сўраш лозим. Масалан:

Бола кимдир орқасидан итариб киритаётгандай велосипедини етаклаб ҳовлига кирди. Бир-бирига зўрга ҳовлига кирди. Бир-бирига туташган паст-баланд уйлар... Туташган паст-баланд нотаниш уйлар уни ўртоғини бу уйларнинг қайси эсанкиратиб кўйди. Ўртоғини бу биридан чақиришни билимай уйларнинг қайси биридан чақиришни ҳовлининг ўртасида турган эди. билмай ҳовлининг ўртасида ҳайрон Рука хола кўмир кўтариб келиб бўлиб турган эди, Рука хола кўмир қолди. У: – Музаффар, ўртоғинг кўтариб келиб қолди. У жаҳл аралаш:

– Музаффар, ўртоғинг келди, – деди. – деди-да, кўмирхона да, беданадай йўргалаб кўмирхона томонга ўтиб кетди. томонга ўтиб кетди (Х.Пўлатов).

Асар қаҳрамонининг руҳий ҳолати муайян воқеа-ҳодисалар муносабати билан ўзгаришга учрайди. Шу жараёнда ўқувчиларга «Нима учун мана бу ҳолатда асар қаҳрамонининг жаҳли чиқди?», «Нима учун у мана бу ҳолатда ўзида йўқ хурсанд бўлди?» деган саволлар билан мурожаат қилиниши катта фойда келтиради. Ниҳоят, ўқувчилар одамнинг кайфияти кун давомида нима учун ўзгариб туриши ҳақида ҳулоса чиқарадилар ва ана шу кайфиятдаги ўзгаришларни ифодалаш учун тилимизнинг сўз бойлиги катта эканлигини билиб оладилар. Лекин дастлабки машқларданок бундай сўзларни ўрганиш, тўплаш ва аста-секин ўзлаштириш зарурлигига ишонч ҳосил қиладилар.

Муайян фаол сўзлар бойлигини шакллантириш мақсадида «Ким руҳий ҳолатга хос ифодаларни кўпроқ айта олади?» беллашуви ўтказилади.

Баъзан беллашув аниқ бир руҳий ҳолатга қаратилиши мумкин. Масалан: «Кимни ўзидаги хурсандчиликни қандай сўз ва иборалар билан ифодалайди?»

Одамларнинг ҳолатини, жумладан руҳиятини гапда аке эттириш, бунда сифат, сифатдош, равишдошлардан фойдаланишнинг аҳамияти катта эканлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш шундай гаплар тузиш юзасидан дастлабки кўникмаларни шакллантириш имконини беради.

XIV. Гап тузишдан олдин бирор нутқий вазиятни аниқлаб олиш.

Гап тузиш дегани кимгадир таъсир ўтказиш демакдир. Шунинг учун вазифани топширишдан аввал ҳар бир фикр маълум мақсад билан баён этилиши эслатилади ва ҳозир тузилажак гаплардан қандай мақсад қўзғаш лозимлиги ўқувчилар билан келишиб олинади.

Е.В.Архипова нутқнинг таъсирчанлигини эгаллаш, суҳбатдошга нутқ вазиятига қараб таъсир ўтказиш ҳақида шундай ёзади: «Баъзи вақтларда тил ўқигишида шахснинг ирода соҳасини унутиб юборадилар. Ваҳоланки, тил ва нутқ прагматик деб аталмиш функцияни (нутқий таъсир ўтказиш вазифасини) бажаради, яъни инсон мулоқот жараёнида сўз ёрдамида ўз прагматик мақсадларига (ўзи аниқлаган ёки аниқламаган ҳолда) эришади. Сўзнинг одамлар ҳатти-ҳаракатига таъсири шу қадар кучли экан, нутқ ўстириш устида ишлаётиб шахснинг иродавий ҳислатларини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Мулоқот давомида ишонтириш ва исботлаш, илтимос қилиш ва рад этиш, кечирин ва рези бўлиш, баҳо олиб бориш, муроасага келиш малақасини шакллантириш муҳимдир» [10,8]. Аён бўладики, ўқувчи ўзи тузадиган гапдан эришиш мумкин бўлган мақсадни нутқий вазият сифатида таърифлай билиши лозим.

XV. Гап тузиш пайтида бадний адабиётга ҳос тасвирий воситалардан фойдаланиш.

Ўқувчилар адабиёт дарсларида ўқшатиш, сифатлаш ва бошқа кўчим турлари билан танишишларига қараб берилган гапларни шу воситалардан мосини танлаб бойитиш вазифаси топширилади.

XVI. Ўқувчиларни матн яратишга ўргатиш жараёнининг муҳим босқичи унга тайёргарлик ва матн таҳрири саналади. Синов синфида ёзма ишлардаги хатолар таҳлилига қатга аҳамият берилди, кейинги ишларда бундай хатоларни бартараф этиш талаб қилинди. Бу иш 4–6 дарс давомида ҳар машғулотнинг маълум қисмида амалга оширилди. Таҳлил мустақиллик талаб этадиган саволларга жавоб тарзида ўтказилди. (Баъзан 2–5 дақиқа ажратилди). Назорат синфида хатолар бир дарснинг ўзида тушунтирилди. 10 кундан кейин суҳбат ўтказилганда, синов синфи ўқувчилари ўз хатоларини тушуниб, сабабларини тўғри изоҳлай ола бошладилар.

Ёзма ишга тайёргарлик чоғида ва таҳлил пайтида мазмундор ва таъсирчан гап тузиш масалаларининг ёдга олинishi фойдалидир. Бу нарса ўқувчилардаги «экспрессив сўзларга нисбатан онгли муносабат»ни шакллантиради [66,19].

Ёзувчи Пиримкул Қодировнинг Бобур романининг «Самарқанд», ҳал қилувчи олишув» бобидаги Тоҳир ва Робия суҳбатини ҳамда Самарқанд «Икки қилич орасида» бобининг 1-қисмидаги Мирзо Бобур, Хонзодабегим, Хуррамшоҳ суҳбати қисмларини ўқиб ва дарсликда берилган рисола фойдаланиб, олий ва қуйи табақа намоёндаларининг бир-бирига муносабатлари ҳақида матн тузиш.

XVII. Берилган мавзуда уч-тўрт гапни матн яратиш.

Она тили дарсларида турли мавзуларда матн тузиш ишларини ташкил этиш мумкин. Масалан, «Ўлкамиз табиати» мавзусини таклиф қилиш мумкин. Табиат гўзаллик манбаидир: инсон табиат қўйнига қанчалик чуқурроқ кириб борса, унинг кўзига олам шунчалик хилма-хил ва гўзал кўринаверади. Кенг ўрмон ва мезазор боғлар, тоғлар, қир ва адирлар, дарё ва денгизлар қирғоқлар, кўм-кўк ўсимликлар кишиларнинг кўнгилли дам олиншларига имкон яратиб, соғлом бўлишларига хизмат қилибгина қолмай, уларга олам-олам эстетик завқ ҳам беради.

«Методика преподавания русского языка» қўлланмасида уқтирилганидек, «Ўқувчиларда турли хил нутқий кўникмалар ҳосил қилинар экан, айна пайтда уларда табиат, жамият, инсон, санъатга эстетик муносабатни шакллантиришга эътибор берил даркор» [42,39].

Машқларни бажариш мобайнида ўқувчиларни образли фикрлашга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Тил воситаларидан «ўз нутқиди фойдаланиш (фойдаланишда машқ қилиш) ва ўзгалар нутқининг ифодалилигини кузатиш – тимсолли фикрлашни машқ қилишдир. Бинобарин, нутқ (тил) бу ўринда ҳам фикрлаш, айна тимсолли фикрлаш ва ифодали ҳамда, албатта, тасвирий тимсолли нутқдан таълим берувчи ўқитувчи бўлиб майдонга чиқади» [66,17].

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш асосий мақсадлардан бири саналади. Талай омилларнинг интеграцияси орқалигина ушбу мақсадга эришиш мумкин. Чунотчи, тил ҳодисаларига функционал-семантик ёндашув, жамиятнинг тобора раванк топа бориши билан боғлиқ равишда тилнинг вазифаси ва ривожланишига илмий қараш таркиб топтириш, ўқув фанлариаро ва ўқув фанларининг ички алоқаларини ҳисобга олиш, ўқувчиларнинг мантаний фикрлашини ўстириш, уларда ўз битимларини мустақил тўлдириб бориш малақасини ҳосил қилиш таълим жараёнида мажмуавий амалга оширилади.

Она тили дарсларида икки йўналишда иш олиб борилади: 1) билим олиш йўналиши – нутқ ўстириш учун хизмат қилувчи назарий асосларни ўрганиш; 2) амалий йўналиш – назарий маълумотларни амалда қўллаш, нутқий кўникма ва малакаларни шакллантириш, шу йўл билан тил ҳақидаги фан асослари бўйича олинган билимларни мустақамлаш. Дарсларда ана шу икки йўналиш ўзаро интеграцияланади.

Нутқ маданиятини эгаллаш йўлида тил сатҳлари интегратив ўрганилади: матн яратиш жараёнида лексика, грамматик воситалар, гап қурилишининг услубий имкониятлари устидаги ишлар яхлит ҳолда ташкил этилади, шу тариха амалий малакалар ҳосил қилинади. Айниқса, лексикани ишлатишдаги муаммолар қўлама шу даражада қатъи, у сўзни танлаш ва нутқ вазиятига мос равишда қўллашдан ташқари, алоҳида сатҳ – ибораларни ўзлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Луғат устидаги ишлар адабиёт дарсларида бадний асар тилини ўрганиш учун пойдевор вужудга келтиради, она тили дарсларини бошқа ўқув фанлари билан боғлаш имконини беради.

Она тили ва адабиёт ўқув фанлари ўртасидаги икки томонлама алоқа, боғланиш асосидаги интеграция алоҳида аҳамиятга эга:

1. Адабий асарни ўрганиш жараёнида тил хусусиятларига эътибор бериш (лингвистик таҳлил).
2. Гап тузиш (матн яратиш) жараёнида адабий асарлар мазмунидан фойдаланиш.

Бадий асар тил ҳодисаларини турли нуқтаи назардан кузатиш имконини беради. Сўз ишлатиш (лексикология) нуқтаи назаридан қараганда бадий асар кенг имкониятлар тақдим этади: 1) адабий тил кузатилади, 2) шевага хос мисолларга эътибор берилади, 3) нутқ услублари устида иш олиб борилади.

Адабий асарда бадий услубдан тапқари, қаҳрамонлар тилида сўзлашув услубини, уларнинг иш қозғаларини ёзишлари муносабати билан расмий услубни, тадқиқот натижалари баёнида илмий услубни, газетга мақола ва бошқа материаллар ёзишларида публицистик услубни кўриш мумкин.

Она тили дарсларида ижодий матн яратиш жараёни ўзаро интеграцияланади. Бунда ўқувчи бадий асардап олинган мисолларни ўқиб таъсирланади, ўзи таъсирчан гап тузади. Бу ҳолат куйидаги ишлар орқали рўёбга чиқади: 1) рассомнинг асаридан фойдаланиб сўзлар воситасида расм чизиш; 2) икки рассомнинг бир лавҳага чизган расмларини таққослаш ва муаллиф матнига нисбатлаш; 3) шуларни солиштириш асосида сўз билан расм чизишнинг уюштириш; 4) мустақил равишда бирор жанрга онд сўз билан расм чизиш; 5) қаҳрамон портретини чизиш [66,15].

Хуллас, она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш тил ҳодисаларига функционал-семантик ёндашиш, ўқув фанлари ва ўқув фанларининг ички алоқаларини ҳисобга олиш, ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ўстириш, уларни ўз билимларини мустақил тўлдириб бориш, ижодий ва амалий ишлар интеграциясига катта эътибор берилади.

Янги педагогик технология асосига қурилаётган, нутқ маданиятини шакллантириш сари йўналтирилаётган она тили дарсларида коммуникатив ёндашувга амал қилган ҳолда, узлуксизлик ва узвийлик асосида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш масалаларига жиддий эътибор берилиб, тилни риторика даражасида ўрганиш, сўз маҳоратини кунг билан эгаллаш миллий маънавият кўринишларидан бирига айланиб бормоқда.

Ўқувчилардан гап тузиш мисол келтириш талаб этиладиган дастлабки дарса мисолларни кузатиш, қисқаш ва худоса чиқариш асосида уларда мазмундор ва таъсирчан гаплар ҳақида тушунча ҳосил қилиш, машқ материалларидан, «Адабиёт» дарслигидан, бадий асарлардан дидаг мис равишда таъсирчан гапларни ажратиш малакаси шакллантирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 79 бет.
2. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодаланишнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – 88 б.
3. Абдуллаев Й. Бадий услуб ҳақида // Ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт дарслари самарадорлигини ошириш: Илмий асарлар тўплами. – Тошкент: ЎзПФТИ, 1990. – 6-бет.
4. Абдуллаев Й. Сўз ишлатиш ҳақида // Мактабда ўзбек тили ва адабиёт ўқитишнинг такомиллаштириш масалалари. – Тошкент: ЎзПФТИ, 1982. – 3-бет.
5. Абдураимова М. Она тили дарсларида ўқувчилар нутқини қўмақчилик бирикмалар билан бойитиш (методик қўлланма). – Тошкент, «Ўқитувчи», 1985. – 56 б.
6. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн тўртинчи том. «Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия». – Тошкент, Фан, 1998. – Б. 3-130.
7. Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словестность. От слова к словесности. 5 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – 128 с.
8. Аминова Ф.Х. Ўқувчиларни мулоқот матн яратишга ўргатишнинг дидактик асослари. Пед. ф. ном. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2007. – 22 б.
9. Арипова А.Х. Нотиқлик нутқининг лисоний-услубий воситалари. – Филол. фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. – 9-бет.
10. Архипова Е.В. Системный подход к обучению языку и методическая система речевого развития школьников // Русский язык в школе. – 2005. – № 4. – С. 3-11.
11. Ачкасов В.А. Взаимодействие уроков русского языка и литературы в речевом и читательском развитии школьников: Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. Санкт-Петербург, 1999. – 18 с. <http://dissertation2.narod.ru/avtoreferats7.o11.htm>
12. Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.
13. Головин Б.Н. Основы культуры речи: Учеб. пособие. – М.: Высшая школа, 1980. – 335 с.
14. Давлат таълим стандартига шарҳ. Она тили / Муаллифлар: Й. Абдуллаев, Р. Сафарова, А. Сайфуллаев, Р. Йўлдошев. // Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим дастури. – Таълим тараққиёти. Ахборотнома, 1-маҳсул сон. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1999. – Б. 46-54.
15. Долимов С. Таълимий баён ва ишро: Саккиз йиллик мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. – Тошкент: «Ўрта ва олий мактаб», 1964. – 102 б.
16. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стиль. – Тошкент: Фан, 1988. – 208 б.
17. Зиёдова Т.У., Холматова У., Жуманиёзова Х.Т. Ўқитувчи китоби (5-синф она тили дарслиги бўйича ўқув-методик қўлланма). – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – 139 б.
18. Зиёдова Т.У. Матн яратиш технологияси (она тили таълими мисолида). –

- Тошкент, «Фан», 2008. – 157 б.
19. Ибодуллова Т. Она тили дарсларида болаларда фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш // «Ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитишни қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» га бағишланган Ўзбек тили доимий анжумани биринчи йилги маърузаларининг тезислари (1991 йил, 7–10 январь). – Самарқанд, 1991. – Б. 16–18.
20. Ишполитова Н.А. Риторический аспект реализации методов обучения // Русский язык в школе. – 2007. – № 2. – С. 16–21.
21. Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати («Кеча ва кундуз» романи мисолида). Филол.фан.номз. ... дисс. авт.-ти. – Тошкент, 2000. – 26 б.
22. Йўлдошев Р., Абдуллаев Й. «Она тили» давлат таълим стандартининг амалиётга жорий этиш юзасидан методик тавсиялар. – Т.: РТМ, 2002. – 8 б.
23. Капинос В. И. и др. Развитие речи: теория и практика обучения: 5–7 кл.: Кн. для учителя / В. И. Капинос, Н. Н. Сергеева, М. С. Соловейчик. – М.: Просвещение, 1991. – 342 с.
24. Капинос В.И. Культура речи // Методика развития речи на уроках русского языка: Пособие для учителей / Н.Е.Богуславская, В.И.Капинос, А.Ю.Купалова и др. Под ред. Т.А.Ладыженской. – М.: Просвещение, 1980. – С. 18–38.
25. Керимов З.Ф. Система самостоятельных работ учащихся на уроках чтения (На материалах III классов азербайджанских школ). Автореферат дисс. ... канд. пед.наук. – Баку, 1981. – 22 с.
26. Колокольцев Е.Н. Познание литературы как вида искусства на основе комплексного применения технических средств обучения в старших классах // Комплексный подход как средство оптимального решения важнейших вопросов методики преподавания русского языка и литературы: Межвузовский сборник научных трудов. – М., 1989. – С. 94–109.
27. Корниенко Р.Н. Работа по модулям в IX классе // Русский язык в школе. – 2007. – № 3. – С. 18–21.
28. Ладыженская Т.А. Введение. Развитие речи как особая область методики русского языка // Методика развития речи на уроках русского языка: Пособие для учителей / Н.Е.Богуславская, В.И.Капинос, А.Ю.Купалова и др. Под ред. Т.А.Ладыженской. – М.: Просвещение, 1980. – С. 4–17.
29. Ляток Лия Александровна. Методика использования произведений живописи в системе работы по развитию связной речи учащихся IV класса // АКД пед.наук. – М., 1974. – 24 с.
30. Мактаб программалари. Она тили. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992, 51 б.
31. Мактаб программалари. Она тили. V–IX синфлар учун. Тузувчилар: проф. А.Ҳожиёв, А.Нурмонов, доц. Н.Ахмедов, методист ўқитувчи А.Орифонов. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992. – 50 б.
32. Мамадалиев Н. Тил ўқитишнинг мазмуни ва йўсинлари масаласи // Таълим бўғинларида она тили ўқитиш мазмунини янгилаш асослари мавзусидаги Ўзбек тили доимий анжумани иккинчи йилги тезислари (1993 йил 8–9 апрель). – Қарши, 1993. – Б. 35.
33. Мамадалиева М.А. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти. Филол.фан.номз. ... дисс.авт.-ти. Тошкент, 1998. – 10-бет.
34. Махкамов М. Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент: Фан, 1988. – 94 б.

35. Mahmudov N., Nurmonov A. va b. Она тили. 5-синф. / О'қитувчилар учун қўлланма. – Тошкент: Ма'naviyat, 2004. – 176 б.
36. Mahmudov N., Nurmonov A. va b. Она тили. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinf uchun darslik. – Тошкент: Ма'naviyat, 2004. – 224 б.
37. Mahmudov N., Nurmonov A. va b. Она тили. Umumta'lim maktablarining 6-sinf uchun darslik. – Тошкент: Tasvir, 2005. – 176 б.
38. Mahmudov N., Nurmonov A. va b. Она тили. 7-синф. / О'қитувчилар учун қўлланма. – Тошкент: Ма'naviyat, 2005. – 141 б.
39. Mahmudov N., Nurmonov A. va b. Она тили. Umumta'lim maktablarining 7-sinf uchun darslik. – Тошкент: Ма'naviyat, 2005. – 128 б.
40. Махмудов Н. Тил (ўзбекнома). – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 40 б.
41. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 188.
42. Методика преподавания русского языка. Под ред. проф. М.Т.Баранова. – М.: Просвещение, 1990.
43. Мирмахеудова М. Ўқувчилар нутқини такомиллаштиришда грамматик терминлардан фойдаланишнинг лингвометодик асослари (5–7-синф она тили дарслари мисолида). Пед.фан.номз. ...дисс. – Тошкент: 2004. – 160 б.
44. Молдавская Н.Д. Литературное развитие школьников в процессе обучения. – М.: Педагогика, 1976. – 224 с.
45. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий сгили. – Тошкент: Фан, 1984. – 160 б.
46. Мухторов А. Таълим жараёнида она тилининг тарбиявий аҳамияти // «Ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитишни қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» га бағишланган Ўзбек тили доимий анжумани биринчи йилги маърузаларининг тезислари (1991 йил, 7–10 январь). – Самарқанд, 1991. – Б. 259–261.
47. Нетьматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 30 б.
48. Ne'matov H., G'ulomov A., Qodirov M., Abduraimova M. Она тили. 5-синф. – Тошкент: О'қитувчи, 2000. – 143 б.
49. Ne'matov H., G'ulomov A., Qodirov M., Abduraimova M. Она тили. 6-синф uchun darslik. – Тошкент: О'қитувчи, 2000. – 190 б.
50. Ne'matov H., G'ulomov A., Qodirov M., Abduraimova M. Она тили. 7-синф uchun darslik. – Тошкент: О'қитувчи, 2000. – 190 б.
51. Нетьматов Х., Фуломов А., Абдураимова М., Қобилова Б. 5-синфда «Она тили» синов дарелиги билан ишлайдиган ўқитувчилар учун методик тавсиялар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 157 б.
52. Нуератулло А.Ж. Истиқлол ва она тилимиз. (Тил, имло, нотиклик санъати, матн, матншунослик). – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош тахририяти, 1998. – 159 б.
53. Обучение русскому языку в 5–6 классах: Метод. указания к учеб. Пособие для учителя / М.Т.Баранов, Л.Г. Григорян, Л.А.Тростенцова и др.; Сост. М.Т.Баранов. – 2-е изд., испр. – М.: Просвещение, 1986. – 303 с.
54. Обучение русскому языку в 7 классе: Метод. рекомендации к учеб. для 7 кл. общеобразоват. учреждений / Т.А.Ладыженская, Л.А.Тростенцова, М.Т.Баранов и др. – М. Просвещение, 2002. – 94 с.

55. Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўрганиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 139 б.
56. Сафарова Р. Она тили таълимининг янгиланган мазмуни ва унинг дидактик асослари. – Тошкент: Фан, 1995. – 107 б.
57. Смирнова Л.Г. Культура русской речи. – 2-е изд. – М.: ООО «ТИД «Русское слово – РС», 2005. – 336 с.
58. Сотова И.А. Мотивация самоконтроля над качеством письменного текста // Русский язык в школе. – 2007. – № 4. – С. 8–14.
59. Текучёв А.В. Методика русского языка в средней школе. 3-е изд., перераб. – М.: Просвещение, 1980. – 414 с.
60. Тил таълими босқичларида узвийликни таъминлашнинг илмий-амалий муаммолари: «Ўзбек тили» доимий анжумани ўнинчи йигини материаллари (2009 йил 16–17 апрель). – Тошкент: РТМ, 2009. – 269 б.
61. Томсон Н.А. Технология модульного обучения на уроках русского языка // Русский язык в школе. – 2007. – № 3. – С. 15–17.
62. Тростенцова Л.А. Обучение русскому языку в школе как целенаправленный процесс (морфологический аспект). – М.: Педагогика, 1990. – 144 с.
63. Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиядова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси (ўқув кўлланма). – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006. – 174 б.
64. Шуг'ов Н.М., G'oyibnazarova N.R. Она тили 6-синф: O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma. – Т.: «Tasvir» nashriyot uyi, 2005. – 192 б.
65. Умарова Х. Қизикарти грамматика (киска курс). – Тошкент: А.Қодирий номли Халқ мероси нашриёти, 2002. – 79 б.
66. Федоренко Л.П. Проблемы развития образного мышления в процессе обучения речи // Комплексный подход как средство оптимального решения важнейших вопросов методики преподавания русского языка и литературы: Межвузовский сборник научных трудов. – М., 1989. – С. 17–34.
67. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантук. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 302 б.
68. Юсупова Т.А. Синтаксисни морфологияни такрорлаш билан боғлаб ўрганиш методикаси (5- ва 8-синф она тили дарслари мисолида). – Тошкент, 2008. – 180 бет.
69. Ўзбек мактабларида она тилини ўқитиш концепцияси. – Тошкент, ЎзПФТИ, 1993. – 21 б.
70. Ўзбек тили нутқ маданияти очерклари. Э.Бегматов ва б. – Тошкент: Фан, 1988. – 190 б.
71. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси: Педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-кўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
72. Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Бухоро: БухДУ, 2002. – 114 б.
73. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари: Боплангич таълим педагогикаси ва методикаси факультетлари учун кўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 160 б.
74. Қурбонова Х. Она тили таълими мазмунини янгилашнинг лингвометодик асослари: Пед.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 157 б.

75. Қўнгуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари: Олий ўқув юрглариининг филология факультетлари талабалари учун кўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
76. Қўнгуров Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 64–145.
77. Ҳозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 184 б.
78. Ҳуломов А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулоти: (Ўқитувчилар учун методик кўлланма). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 159 б.
79. Ҳуломов А.Қ., Неъматов Х. Она тили таълими мазмуни. Ўқитувчилар учун методик кўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 125 б.
80. Ҳуломов А. Она тили машғулотида сўз эҳтиёжини юзага келтириш // Тил ва адабиёт таълими. – 1995. – № 3–4. – Б. 12–13.
81. Ҳуломов А., Қодиров М. Она тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Университет, 2001. – 221 б.
82. Ҳуломов Ё., Расулов Р., Рустамов Х., Мирзааҳмедов Б. Ўзбек тили ўқитиш методикаси: Университетларининг филология факультетлари ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари студентлари учун кўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 280 б.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
1-боб. Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ ўстиришнинг назарий ва амалий асослари.	4
1.1. Мазмундор ва таъсирчан гап, нутқ маданиятини ривожлантириш методик тушунчалари талкини.	4
1.2. Дарсда назарий маълумотлар юзасидан мисол келтириш машқлари орқали ўқувчилар нутқини ўстиришнинг бугунги ҳолати	18
2-боб. Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ ўстириш методикаси	31
2.1. Назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ ўстиришнинг лингвистик асослари (таълим мазмуни)	31
2.2. Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлашда бажариладиган гап тузишга доир машқ турлари.	44
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	63